

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

**МАВЗУ: ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИНИ БУЗИШ ЖИНОЯТИНИ
КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ: МИЛЛИЙ
ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

**Илмий раҳбар: Ф.Рахимов
Илмий маслаҳатчи: И.Астанов
Бажарди: А.Рахимов**

ТОШКЕНТ – 2020

МУНДАРИЖА

КИРИШ.

1. ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ:

- 1.1 Виждон эркинлигини таъминлашнинг юридик табиати;
- 1.2 Халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг виждон эркинлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатларини Ўзбекистонда қўллаш масалалари.

2. ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИНИ БУЗИШ ЖИНОЯТИНИНГ ЖИНОЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ:

- 2.1 Виждон эркинлигини бузиш жиноятларининг объектив ва субъектив белгилари таҳлили;
- 2.2 Виждон эркинлигини бузиш билан боғлиқ жиноятларни квалификация қилишдаги муаммолар ва уларнинг ечими.

3. ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИНИ БУЗГАНЛИК ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ:

- 3.1 Хорижий мамлакатларда виждон эркинлигини бузганлик учун жиноий жавобгарликни белгилаш амалиёти ва миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалалари;
- 3.2 Виждон эркинлигини бузганлик учун жавобгарликни такомиллаштиришнинг айрим масалалари.

4. ХУЛОСА.

5. ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

КИРИШ

Тадқиқот ишининг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасига кўра, ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди¹. Мамлакатимизда бугунги кунда барча соҳалардаги сингари суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда.

Бу ислоҳотларнинг бош мезони эса, инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш бўлиб, ушбу ҳолат тамойил сифатида амалдаги барча қонун нормаларининг мазмунига чуқур сингдирилган.

Виждон эркинлигини таъминлаш давлатнинг фуқаролар олдида турган асосий вазифаларидан бири бўлганлиги сабабли давлат доимо ушбу соҳада адолатли қонунлар қабул қилинишига, шунингдек, қонун устуворлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келинган. Шунингдек, Ўзбекистонда турли динга эътиқод қилувчи ва ҳеч қандай динга эътиқод қилмайдиган шахслар толерантлик асосида яшаётганлиги, яъни динлараро низолар мавжуд эмаслиги давлат томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар қанчалик тўғри эканлигини тасдиқламасдан қолмайди.

Ушбу мавзу ривожланган ва ривожланаётган давлатларда ўрганилиб, ушбу масалаларга илмий қарашлар билан ечим берилаётганлиги ҳам мавзунинг нечоғлик долзарблигини кўрсатади. Шунингдек, мамлакатимизда юқорида таъкидлани каби бир қатор ютуқлар мавжуд бўлса-да, шу билан бирга ечимини кутаётган муаммоли вазиятлар ҳам мавжудлиги масала биз учун ҳам долзарб эканлигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти. Ушбу тадқиқотда виждон эркинлигини бузиш жиноятини бошқа жиноятлардан фарқли ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 31-моддаси, манба: <http://lex.uz/docs/20596>

Ўхшаш жиҳатларига, жумладан, ушбу жиноятнинг ўзига хос хусусиятларига алоҳида урғу берилганлиги сабабли тадқиқот натижасида виждон эркинлигини бузиш жиноятини тергов қилишга ваколатли органлар ишини енгиллаштирмасдан қолмайди.

Шунингдек, виждон эркинлигини таъминлашга қаратилган қонун ва қонун ости ҳужжатларини такомиллаштириш орқали соҳада фаолият кўрсатувчи махсус ваколатли давлат органлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари иш фаолияти самарадорлиги ошади.

Бундан ташқари халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган халқаро ҳужжатлар ва ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси, уларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ўрганган ҳолда миллий қонунчиликнинг асосий принципларидан чиқмасдан амалдаги ЖКнинг 145-моддаси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 184¹-моддаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг тегишли моддаларига тақлифлар берилиши натижасида ушбу соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасидаги коллизия, эски ва замон талабларига жавоб бермайдиган нормалардан ҳолос бўлишга эришиш назарда тутилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Жиноят ҳуқуқида виждон эркинлигини бузиш жинояти юзасидан тадқиқотлар етарли даражада амалга оширилган. Ф.Х.Қўчқорова “Ўзбекистонда фуқароларнинг виждон эркинлигини бузишга оид ҳуқуқбузарликлар ва уларни олдини олиш йўллари” мавзусида ҳуқуқ фалсафаси йўналишида, С.Абдулҳолиқов “Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқининг методологик муаммолари” мавзусида ҳуқуқ фалсафаси йўналишида, А.М.Рахмонов “Ўзбекистонда демократик, ҳуқуқий давлат тизимини вужудга келтириш жараёнида граждандар виждон эркинлигининг таъминланиши” мавзусида дин ва ҳурфикрлик фалсафаси йўналишида, С.С.Абдуллаев “Ўзбекистонда эътиқод эркинлиги ва Ислом” мавзусида диншунослик назарияси йўналишида докторлик диссертациялари ҳимоя қилинган бўлса-да, уларда виждон

эркинлигини бузиш ҳаракатининг жиноий ҳуқуқий таҳлил амалга оширилмаган.

Виждон эркинлигини бузиш жинояти юзасидан бир қатор хорижий мамлакатлар олимлари ҳам тадқиқотлар ўтказилган, жумладан, И.В.Соломашин, Н.В.Казанцева, Е.М.Шевкопляс, П.В.Бахметьев, Г.Г.Бессарабов, А.В.Залежный, М.С.Фокин ва бошқалар.

Ишнинг илмий янгилиги. Мавзунинг илмий янгилиги хусусида гапирадиган бўлсак, ушбу тадқиқот иши натижасида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва/ёки уларнинг қисмлари қайтадан ишлаб чиқилади, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 145-моддаси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 184¹-моддаси, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, шунингдек, диний таълим бериш, диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш фаолиятини тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар кабилар. Бундан ташқари, шу кунга қадар тадқиқ этилмаган хорижий давлатларнинг виждон эркинлигини таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва бу ҳуқуқни бузган шахсларга нисбатан жиноий жавобгарлик белгилашга оид нормалари ўзбек тилига таржима қилиниб, тизимли таҳлил этиш учун манбалар сонини оширади.

Ишнинг предмети жиноят ҳуқуқида виждон эркинлигини таъминлашга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари; бу бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиёти; виждон эркинлигини бузиш жиноятини квалификация қилишга бағишланган илмий ишлар, ривожланган хорижий давлатларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва ушбу давлатларнинг тажрибаси, халқаро ташкилотлар томонидан кўриб чиқилган алоҳида ишлар, статистик маълумотлар, методологик ёндашувлар, илмий нуқтаи назарлар кабилардир.

Тадқиқот ишининг асосий мақсади ва вазифалари. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 145-моддасида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахслар тоифаси, ушбу модданинг фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда тутган ўрнини

ва аҳамиятини таҳлил қилиш, ушбу жиноят юзасидан шаклланган амалиётни ва унда юзага келаётган муаммоларни чуқур ўрганиш, уларни бартараф етиш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мазкур тадқиқот ишининг мақсади ҳисобланади.

Кўрсатиб ўтилган мақсадлар қуйидаги вазифаларни бажариш кераклигини англатади:

- виждон эркинлиги ҳуқуқини таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини тўлиқ ўрганиш ва ушбу тизимдаги камчиликларга тўлиқ барҳам берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш, бекор қилиш, янги норма киритиш шаклида янгиликлар юзасидан таклифлар бериш;
- виждон эркинлигига доир маъмурий ҳамда жиноий жавобгарликка оид ҳуқуқбузарликларнинг таркибини ўрганиш орқали уларни малакалашда эътибор қаратиш лозим бўлган масалаларни аниқлаш;
- халқаро ташкилотларнинг тавсиялари ҳамда ривожланган чет эл мамлакатларининг тажрибасини ўрганиш орқали ижобий тажрибани жорий этиш эҳтимолийлигини ўрганиш ва ўрганиш натижалари юзасидан миллий қонунчилик тизимимизга аниқ таклифлар бериш;

Тадқиқот ишнинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот иши кириш, 6 та параграфни ўз ичига олган 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 88-бетни ташкил қилади. Мазкур иш бўйича www.tadqiqot.uz халқаро илмий журналлар портали томонидан “Ўзбекистон умидли ёшлари” мавзусидаги Республика талабалар ва магистрлар масафавий илмий-амалий конференцияси якунлари асосида 01.05.2020 йилда чоп этилган тўпламнинг иккинчи қисмида **“Виждон эркинлиги ҳуқуқининг ривожланиш тарихи: ютуқлар ва йўқотишлар”** мавзусида махсус тезис чоп этилган. Шунингдек, **“Ўзбекистон Республикасида виждон эркинлигини ҳимоя қилишнинг жиноий-ҳуқуқий нормалари таҳлили: мавжуд муаммолар ва қонунчиликка таклифлар”** мавзусидаги мақола Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси магистратура тингловчиларининг илмий мақолалар тўпламида чиқариш учун топширилган,

ҳозирча чоп этилмаган. Бундан ташқари, **“Халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг виждон эркинлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатларини қўллаш масалалари”** мавзусидаги тезис Тошкент давлат юридик университетнинг “Бакалавирят ва магистратура талабаларининг илмий ишлар тўплами”да чоп этилган, юқоридагилар билан бирга 06.06.2020 йилда Россия Федерациясининг “Innova” илмий маркази томонидан ташкиллаштирилган XI Халқаро илмий-амалий конференция материалларида **“The experience of developed countries in improving legal documents on freedom of conscience in the Republic of Uzbekistan”**, - мавзусида ҳам мақола, жами бўлиб, 4 та мақола ва тезислар чоп этилган. Тадқиқот ишини ёзишда – олтига гуруҳга бўлинган ҳолда 53 тадан ортиқ сиёсий, норматив, диний, амалий, статистик, илмий ва илмий-оммабоп адабиётлардан фойдаланилган.

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ:

1.1 Виждон эркинлигини таъминлашнинг юридик табиати

Виждон эркинлиги шахс эркинлигининг ажралмас қисми² бўлиб, шахс эркинлигини таъминлашда ушбу соҳани ҳам ривожлантириш барча жамиятларда асосий роль ўйнаб келган.

Виждон эркинлигини таъминлаш минтақамиз тарихидан ривожланиб келаётган ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. Ушбу ҳодиса ҳукмронликни сақлаб қолишни динга боғлашни мақсад қилган араблар босқинидан кейин ҳам давом этганлиги ҳайратланарли ҳисобланади. Чунки мусулмон давлатлари давлат ишларини исломий қоидалар асосида олиб борган бўлишларига қарамасдан насроний черковлари, шаҳарларда эса насроний мактаблар, яҳудий маҳаллалари (энг йириги Самарқанд шаҳрида) сақланиб қолишига қаршилик билдирилмаган.

Бунга асос сифатида Қуръони Карим Бақара сурасининг 256-оятда “динга зўрлаб киритиш йўқдир. Зеро ҳақ йўл залолатдан ажраб бўлди”, - деб таъкидланганлигини³ келтиришимиз мумкин.

Исломда Қуръондан сўнг иккинчи манба бўлиб ҳисобланадиган ҳадислардан бир бўлган қуйидаги: “Ҳар ким ўз зиммига (ўзга дин вакили назарда тутилган) озор бериб, азият қилса, мен унинг душмани бўлгумдир.

Ҳар ким бир зиммини сўкса, қиёмат куни олов қамчи билан саваланади”⁴, - ҳадисда ҳам диний бағрикенгликка чорланадики, бу каби манбалардан англашимиз мумкинки, минтақага виждон эркинлиги Совет даврида кириб келмаган, унинг илдизлари қадим тарихга бориб тақалади.

² А.Раҳмонов “Ўзбекистонда демократик, ҳуқуқий давлат тузумини вужудга келтириш жараёнида гражданлар виждон эркинлигининг таъминланиши” мавзусидаги ф.ф.н илмий даражасини олиш учун диссертация – Тошкент 1996 17-бет.

³ Қуръони Карим. Алавулдин Мансур таржимаси. –Т.: Чўлпон. 1992. 32-бет // Абдулҳодиков С. “Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқининг методологик муаммолари” Фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. –Т.: 2002. 27-бет

⁴ Қурбоний Зайнин Обидин «Ислом ва инсон ҳуқуқлари» (форча). –Техрон: 1367 (1989 йил). 260-бет // Абдулҳодиков С. “Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқининг методологик муаммолари” Фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. –Т.: 2002. 27-бет

Шунингдек, Россия императори Николай 2 томонидан 17.04.1905 йилда қабул қилинган “Диний толерантлик қоидаларини қабул қилиш ҳақида”ги қарорига кўра қуйидаги ўзгартиришлар белгиланган, жумладан:

1. Ҳокимият қарорига асосан ёпилган барча ибодат бинолари қайтадан очиш;
2. Ҳукумат буйруқларига асосан диний ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган ибодатларни куч билан тўхтатиш амалиётига чек қўйилиши каби⁵.

Ушбу имкониятлар Биринчи рус инқилобининг ижобий ўзгаришларидан бири ҳисобланадики, бу билан чекланган баъзи диний фаолиятлар қайтадан йўлга қўйилиши ҳамда бу каби диний фаолиятни тўхтатилишидан зарар кўраётган фуқароларнинг поймол этилган ҳуқуқлари тикланганлигини кўришимиз мумкин. Аммо бу узоққа чўзилмади, яъни Иккинчи рус инқилобидан сўнг, яъни ҳокимиятга болшевиклар келгач динга қарши янги куч билан курашилганлигига тарих гувоҳ.

XIX асрга келиб, виждон эркинлиги ҳақидаги қарашлар қуйидаги бир қатор ғоялар жамланмасидан иборат эди. Жумладан:

1. Давлатнинг ҳар хил диннинг мавжуд бўлишига ижозат бериши;
2. Қонунчиликнинг умумий талаблари қоидасидан чекланмаган ҳолда ошкора равишда диний уюшма ташкил этиш мумкинлиги;
3. Фуқароларнинг исталган динга эътиқод қилиш, диний уюшмага кириш, монесиз чиқиш, бошқасига ўтиш ҳуқуқини жорий этиш;
4. Ҳеч кимни диний жамоага, расм-русумга қатнашишга зўрламаслик;
5. Фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини, иззат-нафсларини диний уюшмаларнинг тажовузларидан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгаллиги;

⁵ Daniel H. Shubin “A history of Russian Christianity” volume IV The Orthodox Church 1894 to 1990 Tsar Nicholas II ro Garbachev’s edict on the Freedom of Conscience. New York. 2006. Page 9.

б. Фуқароларнинг диний эътиқодидан қатъий назар барча фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланишлари⁶ кабилар.

Аммо СССР Конституциясининг 52-моддасида қуйидагича: “СССР гражданларининг виждон эркинлиги, яъни ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик, диний маросимларни бажариш ёки атеистик пропаганда олиб бориш ҳуқуқи гарантияланади. Диний эътиқодлар туфайли адоват ва нафрат қўзғатиш тақиқланади.

СССРда диний муассасалар давлатдан, мактаб диний муассасалардан ажратилган”⁷, - норма мавжуд бўлиб, ушбу нормадан келиб чиқиб шуни таъкидлашимиз мумкинки, социалистик тизимда динга эътиқод қилишни тарғиб қилиш мумкин эмас, лекин ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликни тарғиб этиш ҳуқуқ сифатида берилган. Бу орқали тизимнинг туб моҳияти динга қарши бўлганлигини тушунишимиз мумкин. Шунинг учун ҳам “Совет Иттифоқи даврида “21 киши ариза ёзса, масжид очиб беришади”, деган қонун бўлса ҳам унга амал қилинмас эди”, - деб хотирлаб ўтган эди шу даврда яшаган дин уламоларидан бири. Шунингдек, у фикрини давом эттириб Ўзбекистон ССРда атиги 82 та масжидлар бўлганлигини ҳам ўз асарида ёзиб ўтган⁸. (2019 йилга келиб масжидларнинг умумий сони 2066 тани ташкил этади⁹).

Бундан ташқари, И.Сталин даврида Исломининг беш устунидан учтаси, яъни Ҳаж ибодати, закот ва Рамазон рўзаси қонундан ташқари деб топилиб, уларга қарши ҳаракатлар қилинган ҳамда Қуръоннинг нусхаларини чоп этиш ва тарқатиш назоратга олинган¹⁰. Ушбу таъкидланган ҳолатлар бир-биридан мустақил икки шахсининг қарашлари бўлса-да, улар айнан бир вазият тўғрисида бир хил фикр билдирганликлари ушбу даврда Конституцияда аниқ баён этилган ҳуқуқларга очиқдан-очиқ амал қилинмаслик ҳолати

⁶ Ключков В.В. “Закон и религия”. –М.: Юрид. Лит. 1982. 10-бет. // Абдулҳодиков С. “Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқининг методологик муаммолари” Фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. –Т.: 2002. 30-бет

⁷ Конституция СССР 1977 г. <http://www.hist.msu.ru/ER/Etext/cnst1977.htm>

⁸ Муҳаммад Амин “Исломга бағишланган умр” Ҳилол нашр матбааси. Тошкент. www.e-hilolnashr.uz

⁹ 2019 йилда Ўзбекистонда нечта масжид очилди. <http://muslim.uz/index.php/yangiliklar-2016/uzbekistan/item/18250>

¹⁰ Christopher S. Mott “Understanding Uzbekistan: Your guide to Effectiveness in Uzbekistan 44 (ABA, Ltd. Spring 1994) манба: https://www.lancaster.ac.uk/jais/volume/docs/vol2/2_110-150_SIMPSON3.pdf

бўлганлигини кўрсатмасдан қолмайди ва биз ушбу давлат тақдиридан ижобий хулоса чиқарган ҳолда қонун устуворлигини таъминлашга янада кўпроқ эътибор қаратишимиз лозим.

Ҳозирги кунга қадар “виждон эркинлиги” атамасига ҳуқуқий таъриф берилмаганлиги ушбу атамага Конституция ва соҳани тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг умумий мазмунидан келиб чиққан ҳолда назарий таърифлар берилишига олиб келади.

Жумладан, М.Г.Кринченко виждон эркинлиги ҳуқуқи ҳар қандай динга эътиқод қилиш, ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик, диний ибодатларни бажариш ҳуқуқи, даҳрийлик тарғиботи олиб бориш ҳуқуқи, барча динларнинг қонун олдида тенглиги, динга эътиқод қилиш ёки қилмаслигидан қатъий назар шахсга нисбатан маъмурий мажбурлашнинг йўқлигини, диний эътиқодга боғлиқ ҳолда адоват ва нафрат уйғотишни тақиқланишини, давлатнинг диний ташкилотларнинг ички ишларига аралашмаслигини, давлат халқ таълими тизимининг диний ташкилотлардан ажратилганлиги асосида дунёвий характерда эканлиги кабиларни ўзида қамраб олган ҳуқуқ тизими сифатида қарайди¹¹.

В.А.Куроедов эса, М.Г.Кириченко таъкидлаган дастлабки тўртта ҳуқуқ билан бирга яна қуйидагиларни, яъни: диндан жамият, давлат ва фуқаролар манфаатига зид ҳолда фойдаланилишига йўл қўйилмаслиги, давлатнинг диний ташкилот ички ишига аралашмаслигини қўшиб ўтади¹².

Миллий олимларимиздан С.Абдулҳолиқов эса виждон эркинлиги қуйидаги элементларни қамраб олиш керак деб ҳисоблайди. Жумладан, истаган диний тасаввур ва қарашларга эътиқод қилиш ҳуқуқи, эътиқод қилган диний тасаввур ва қарашлари асосида диний ташвиқот олиб бориш ҳуқуқи, бир диний тасаввур ва қарашлардан иккинчи диний тасаввур ва қарашларга

¹¹ Кринченко М.Г. Свобода совести в СССР. –М.: Юрид.лит. 1985. 11-12-бетлар// Абдулҳодиков С. “Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқининг методологик муаммолари” Фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. –Т.: 2002. 240-бет

¹² Куроедов М.А. Религия и церковь в советском обществе. –М.: Политиздат. 1981. 7-бет // Абдулҳодиков С. “Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқининг методологик муаммолари” Фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. –Т.: 2002. 240-бет

Ўтиш ва шу асосда эътиқод қилиш ҳуқуқи, ва шу ўзгарган диний эътиқод асосида ташвиқот олиб бориш ҳуқуқи, ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи, жумладан, унга бефарқ қараш ҳуқуқи, ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик, жумладан, даҳрийлик билимларига эътиқод қилиш ҳуқуқи, даҳрийлик билимлари асосида ташвиқот олиб бориш ҳуқуқи, даҳрийлик қарашларига бефарқ бўлиш ҳуқуқи, барча динлар ва даҳрийлик қарашларнинг қонун олдида тенглиги ҳуқуқи каби¹³. Бу элементлар нисбатан тўлиқ бўлишига қарамасдан бир қатор белгилар билан тўлдирилиши ҳолатни янада яхшилайдди.

Юқорида таъкидланганидек, “виждон эркинлиги” атамасига ягона тушунча бериш мумкин эмас, аммо унинг элементларини ягона тизимга жамлаш орқали ташқи кўринишини шакллантириш мумкин. Бу билан Конституцияда белгиланган ҳуқуқларга қайсилар киради, қайсилари эса йўқлигини билиб олиш ва натижада фуқароларда, диний ташкилотларда, давлат органларида ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларида шунга кўра иш кўриш имконияти вужудга келган бўлади.

Бизнингча, шахс қуйидаги ҳуқуқлар жамланмасидан исталган бирини ва/ёки бир нечтасини бир вақтда эркин амалга ошира олса, унда виждон эркинлиги ҳуқуқи мавжуд ва у рўёбга чиққан деб ҳисоблашимиз мумкин. Жумладан:

1. Бирор бир динга эътиқод қилиш;
2. Ҳеч бир динга эътиқод қилмаслик;
3. Бирор бир динга кириш тўғрисида эркин тарғиб қилаолиш;
4. Ҳеч қандай динга кирмасликни эркин тарғиб қилиш;
5. Ёлғиз ёки жамоа билан биргаликда маълум бир диний ибодатларни амалга ошириш ёки бирор бир динга тегишли бўлган ибодат ва анъаналарни бажаришдан бош тортиш;

¹³ Абдулходиков С. “Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқининг методологик муаммолари” Фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. –Т.: 2002. 241-бет

6. Исталган жамоа билан биргаликда эркин диний бирлашмаларни тузиш, давлат томонидан ушбу бирлашмалар фаолияти учун етарлича имконият яратиш ёки қаршилик қилмасликни талаб қилиш;
7. Амалдаги тартибга асосан ташкил этилган диний ташкилотнинг ички ишларини давлат ва бошқа шахсларнинг аралашувисиз тузилма низомига асосан ташкиллаштириш;
8. Ўзи эътиқод қиладиган дин ҳақида маълумотлар мавжуд бўлган аудио, видео, чоп этилган шаклдаги исталган материалларни давлат чегараларидан олиб ўтиш ва ўзи билан олиб юриш;
9. Диний қоидаларга асосланган ҳолда кийиниш ёки бундай кийинишдан бош тортиш;
10. Давлатдан барча динлар ва даҳрийлик қарашларнинг қонун олдида тенглиги тамойилига амал қилинишини талаб қилиш ҳуқуқи каби.

Юқоридагилар билан бир вақтнинг ўзида шахснинг жамият олдида маълум бир мажбуриятлари ҳам мавжуд бўлиб, бу эркинлик тамойилларидан келиб чиқади. Жумладан, ҳар бир шахс ўзга шахсларнинг динга бўлган муносабатини ҳурмат қилиши, динга бўлган қарашига кўра муносабатда бўлмаслиги, ўзга шахсларнинг диний қарашларини ва ҳаракатларини таҳқирловчи ҳолатларни келтириб чиқармаслиги, ўзи эътиқод қилмайдиган диннинг муқаддас жойларига зарар етказиши мумкин бўлган ҳаракатларни содир этмаслиги, диний адоватни тарғиб қилмаслиги, диний тотувликка зарба берувчи ҳаракатлардан тийилиши, давлат томонидан белгиланган адолатли қонунларга бўйсунуши лозим.

1992 йилги маълумотларга кўра, Ўзбекистонда беш мингга яқин масжид ва бошқа ибодат бинолари мавжуд. Шунингдек, 30 дан зиёд проваслав ибодатхоналари мавжуд бўлса, 13 та мусулмон бўлмаган мазҳаблар фаолият кўрсатаётган эди¹⁴.

¹⁴ Уватов У. Свобода совести – душа свободы и демократии. // Деловая жизнь. Экономика-политика-человек. № 13, -М.: 1992. 45 с // Абдулҳодиков С. “Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқининг методологик муаммолари” Фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. –Т.: 2002. 216-бет

1992 йилда мамлакатимизда беш мингта масжид мавжуд бўлган бўлса, 2017 йилга келиб уларнинг сони 2043 тани ташкил этди¹⁵. Биргина 2019 йилда 10 та янги масжид очилиб, уларнинг жами сони 2066 тани ташкил этди¹⁶.

Виждон эркинлиги ҳуқуқи давлат томонидан кафолатланиши фақатгина қонунлар қабул қилиш билан чекланиб қолмаслиги лозим. Қонун қабул қилиниши жараённинг бошланиши ҳисобланади. Қонунларни ижро этиши лозим бўлган ваколатли давлат органлари томонидан ушбу нормаларга амал қилинишини назорат қилиш прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқларини бузилишини олдини олиш ва ушбу ҳуқуқларни амалга оширишга кўмаклашиш, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг жавобгарлик масаласини кўриб чиқиш ҳам прокуратура органларининг бирламчи вазифаларидан ҳисобланади. Бу соҳада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан бир қатор ишлар амалга оширилаётган бўлишга қарамасдан соҳада амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор вазифалар мавжуд.

Виждон эркинлигини таъминлаш бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали амалга оширилиб, ушбу қонун ҳужжатларида виждон эркинлиги ҳуқуқи доираси белгилаб берилган.

Авалло, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига тўхталсак, унинг 31-моддасидаги қуйидагича: “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”¹⁷, - норма белгиланган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддасидаги қуйидагича: “Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг (диний ташкилотларнинг

¹⁵ Ўзбекистондаги масжидлар сони яна биттага кўпайди. <https://kun.uz/news/2017/11/23/uzbekistondagi-masjidlar-soni-ana-bittaga-kupajdi>

¹⁶ 2019 йилда Ўзбекистонда нечта масжид очилди. <http://muslim.uz/index.php/yangiliklar-2016/uzbekistan/item/18250>

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддаси. Манбаа: <https://lex.uz/docs/20596>

хизматидагилар бундан мустасно) жамоат жойларида ибодат либосларида юришларига йўл қўйилмайди”¹⁸, - нормага кўра, фуқаролар жамоат жойларида ибодат либослари билан юришларига йўл қўйилмаслиги белгиланган бўлиб, ушбу нормани бузган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги 621-I-сон Қонунига мувофиқ киритилган Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг (бундан сўнг матнда – МЖТК) 184¹-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг (диний ташкилотларнинг хизматидагилар бундан мустасно) жамоат жойларида ибодат либосларида юришлари маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати ҳисобланиб, ҳуқуқбузарлик содир этилган шахсни энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олиш¹⁹ каби маъмурий жазолардан бири билан жазоланиши белгиланган. Ваҳоланки, бундай тартиб чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар учун татбиқ этилмаслиги, фақатгина Ўзбекистон фуқаролари учун жорий этилганлиги Конституцияга ҳамда 01.05.1998 йилда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддаси 5-қисмида ўз аксини топган қуйидагича: “Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда виждон эркинлиги ва диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқидан фойдаланадилар ҳамда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўладилар”²⁰, - норма талабларига зид қонун ҳисобланади. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 18-моддаси, 3-бандига кўра, дин ёки эътиқодга сиғиниш эркига

¹⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддаси / манба: (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 99-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 513-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон)

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси 184¹-моддаси. Манба: <https://lex.uz/docs/97664>

²⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги 01.05.1998 йилда қабул қилинган Қонуннинг 8-моддаси 2-қисми. Манба: (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 99-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 513-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон)

фақат қонун билан белгиланган ва жамоат хавфсизлигини, тартибини, саломатлиги ва ахлоқни сақлаш учун, шунингдек, бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркини муҳофаза этиш учун зарар бўлган чекловлар билангина дахл қилиш мумкинлиги²¹ баён этилган бир вақтда, Ўзбекистон ушбу Пактни ратификация қилган бўлишга қарамасдан, юқорида таъкидланган мустасно ҳолатларга кирмайдиган ҳолат юзасидан ибодат либосларини жамоат жойида кийиб юришни чекловчи қонун қабул қилиниб, ҳозирги кунга қадар фуқароларнинг Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқлари амалга ошишида тўсиқ сифатида қолаётганлиги Ўзбекистоннинг ташқи ҳамкорлар олдида обрўсига таъсир этмасдан қолмаслиги билан аҳамиятли деб ҳисоблаймиз.

Юқорида таъкидланган маъмурий ҳуқуқбузарлик белгилаш ва бунга асос бўлган қонун ҳужжатининг нормалари мамлакатимиз ҳудудида яшовчи мусулмон аҳолининг (айниқса, аёлларнинг) виждон эркинлигига оид ҳуқуқларини бузилишига олиб келмоқда. Шу ўринда Ислом энциклопедиясида ҳижобга берилган қуйидагича: “Ҳижоб (арабча – парда, ёпинғич) – мусулмон аёлларнинг кўчага чиққанда танасининг аврат қисмини беркитиб турадиган ёпинғичи. Ҳижобни дастлаб Муҳаммаднинг (с.а.в) хотинлари, кейинчалик эса барча озод мусулмон аёллар ёпиниши ҳақида Қуръон ояти (33, 54) ила кўрсатма берилган. Ҳижобнинг бир неча турлари бор. Ўзбек аёлларининг миллий кийими шаклан ҳижоб кийими билан уйғунлашиб кетган. Ҳижобни муслима аёллар ўзларига маҳрам бўлмаган, яъни, ораларида никоҳ қилиниши мумкин бўлган эр кишилар олдида кийган ҳолда бўлишлари лозим бўлади. Ҳижобни оддий бир хил рангдаги, ажнабий кишиларнинг назарларини жалб қилмайдиган матодан бўлиши матлубдир”²², - изоҳга асосланган ҳолда ҳижобни ибодат либоси сифатида эмас, диний либос сифатида кўришимиз мумкин. Ушбу таърифдан келиб чиққан ҳолда шуни алоҳида таъкидлашимиз лозимки, мусулмон аёллар томонидан ёпилиши талаб этиладиган ҳижоб фақат

²¹ Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 18-моддаси, 3-банди. Манба: <https://kasaba.uz/wp-content/uploads/2015/06/%D0%9F%D0%B0%D0%BA%D1%82-1.pdf>

²² З.Хусниддинов “Ислом Энциклопедияси” Ўзбекистон миллий энциклопедияси 2004 йил 102-бет

кўчада фойдаланилиши ва мусулмонлар томонидан кўчада ибодат амаллари бажарилмаслигини ҳисобга олган ҳолда ҳижобда юрган шахсни МЖтКнинг 184¹-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик билан маъмурий жавобгарликка тортиш ноқонуний ҳисобланади, чунки ҳижоб ибодат либоси ҳисобланмайди.

Юқорида таъкидланган ҳолатларни бартараф этишнинг икки йўли мавжуд: биринчидан, Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 184¹-моддасининг маъмурий ҳуқуқбузарлик сафидан чиқариш орқали ушбу ҳаракатга нисбатан маъмурий жазони бекор қилиш, иккинчидан эса, ибодат либосларига айнан қандай тоифадаги либослар киришини (аёллар ва эркаклар учун алоҳида-алоҳида) аниқ қилиб норматив-ҳуқуқий ҳужжатда (камида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорида ёки ундан юқори юридик кучга эга бўлганида) белгилаб қўйиш лозим бўлади. Юқорида таъкидланган ечимлардан бирига эришиш орқали ҳозирги ҳолатдан чиқиш мумкин.

Бундан ташқари, бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм) ва бошқа миссионерлик фаолияти учун биринчи маротаба МЖтКнинг 240-моддаси 2-қисми билан, такроран содир этилиши ЖКнинг 216²-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят сифатида баҳоланадиган бир вақтнинг ўзида, бирор бир динга эътиқод қилмаслик(атеизм)ни тарғиб қилиш учун на маъмурий, на жиноий жавобгарлик белгиланган. Бу билан виждон эркинлигини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатларнинг тенглиги, қонуннинг барчага баробарлиги каби умумэътироф этилган принципларга зид равишда бир хил ҳаракатнинг биринчисига жавобгарлик белгиланиб, иккинчиси учун бундай жавобгарликнинг белгиланмаганлиги давлат дин ишига аралашмаслиги принципини ҳам бузиб, ўзини маълум бир томонга олган деган ҳулосага келишга шарт-шароит яратилган дейиш мумкин.

Юқорида таъкидланганлари каби камчиликлар бор бўлсада, соҳа йиллар давомида ривожланиб келмоқда, жумладан, амалдаги қонунчиликка кўра,

хужжатларда шахснинг диний мансублигини кўрсатишга йўл қўйилмайди. Бу билан шахсларнинг динга муносабатига кўра тоифаларга ажратилмаслиги таъминланади. Аммо 14.06.1991 йилда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига кўра, агарда фуқаролар расмий хужжатларда ўзларининг динга муносабатини кўрсатишни исташса, бундай ҳолларда кўрсатилишига йўл қўйилиши белгиланган бўлиб²³, янги таҳрирда қабул қилинган Қонун (01.05.1998 йилда қабул қилинган)да бу норма чиқариб ташланиб, мустасно ҳолатларга мавжуд эмаслиги белгиланди ва натижада фуқаролар тенглиги амалда ўз тасдиғини топди.

Бундан ташқари, 14.01.1991 йилда қабул қилинган Қонуннинг 20-моддасига кўра, ҳарбий қисмларнинг қўмондонлиги ҳарбий хизматчилар бўш вақтларида ибодатда ва диний расм-русумларни бажаришда иштирок этишларига тўсқинлик қилмаслиги белгиланган бўлса²⁴, янги таҳрирдаги Қонун билан бу ҳуқуқ ҳам тугатилди. Қонунда акс этмаганлиги туфайли ҳарбий хизматчилар томонидан ўз ҳуқуқларини эркин амалга оширишлари учун имконият мавжуд эмас. Юқоридаги ҳолатлар билан бирга яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, эски таҳрирдаги Қонуннинг 16-моддасига кўра, диний ташкилотларнинг молиявий ва мулкий хайр-эҳсонларига солиқ солинмаслиги²⁵ белгиланган бўлишига қарамасдан, янги таҳрирдаги Қонун билан ушбу норма бекор қилинганлиги ва натижада диний ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган молиявий ҳамда мулкий хайр-эҳсонлар ҳам солиқ солинадиган объектларга айланганлигини кўришимиз мумкин. Натижада диний ташкилотлар ҳам бошқа нодавлат-нотижорат ташкилотлар билан тенг мақомга туширилган.

²³ “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 14.06.1991 йилда қабул қилинган 289-ХП-сонли Қонунининг 4-моддаси (ўз кучини йўқотган). Манба: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 8-сон, 186-модда; 11-сон, 273-модда; 1993 й., 9-сон, 334-модда.

²⁴ Юқоридаги Қонун 20-модда

²⁵ Юқоридаги Қонун 16-модда

1.2. Халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг виждон эркинлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатларини қўллаш масалалари.

Виждон эркинлигини таъминлаш ҳозирги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ушбу масала турли халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган ҳужжатлар ва миллий қонунчиликдаги махсус нормалар билан тартибга солиб келинмоқда. Қўплаб давлатлар виждон эркинлигини таъминлашга қаратилган баъзи ишларни амалга оширган бўлишига қарамадан бу соҳада амалга ошириш лозим бўлган ишлар мавжуд. Жумладан, бир қатор давлатлар ўртасида айнан диний мансубликка урғу берилган ҳолдаги низолар сабабли ҳам ушбу масала глобал аҳамият касб этади, масалан, Покистон Ислом Республикаси-Ҳиндистон Республикаси, Фаластин ҳамда Исроил каби давлатларни мисол сифатида кўришимиз мумкин. Ушбу давлатлар ўртасида вужудга келган низонинг асосий фактори сифатида дин танланганлиги муаммонинг чуқур эканлигини кўрсатади.

Шу ўринда бутун дунёда динларга эътиқод қилувчи шахслар сонига ва бу сонда охириги қирқ йилда рўй берган ўзгаришлар ҳамда кейинги ўттиз йилда бўлиши мумкин бўлган ўзгаришларга доир статистикани бериб ўтишимиз масаланинг аҳамиятини очиб беришга хизмат қилади²⁶.



²⁶ “What faith can do for Global Systemic Challenges” Chris Seiple. The Role of Faith in the Systemic Global Challenges. June 2016. World Economic Forum.

Манба: http://www3.weforum.org/docs/WEF_GAC16_Role_of_Faith_in_Systemic_Global_Challenges.pdf

Виждон эркинлиги ҳуқуқи 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида акс этган бўлиб, унинг 18-моддасига кўра, ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини ва таълимотда, тоат-ибодат қилишда ва диний расм-русм ҳамда маросимларни оммавий ёки хусусий тартибда адо этиш, ўз дини ёки эътиқодига яқка ўзи, шунингдек, бошқалар билан бирга амал қилиш эркинлигини ўз ичига олиши белгиланган²⁷.

Шунингдек, декларациянинг 19-моддасида эса қуйидагича: “Ҳар бир инсон эътиқод эркинлиги ва уни эркин ифода қилиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ҳеч бир тўсиқсиз ўз эътиқодига амал қилиш эркинлигини ҳамда ахборот ва ғояларни ҳар қандай восита билан, давлат чегараларидан қатъий назар, излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади”²⁸, - норма белгиланган.

Юқорида таъкидланган нормалардаги виждон эркинлиги дейилганда турли олимлар турлича таъриф бериб ўтишган бўлса, улардаги умумий ғоя ягона бўлиб, унга кўра, ҳар бир инсон ўзи истаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ва ушбу ҳуқуқни амалда эркин намоён этишга бўлган ҳуқуқ – бу виждон эркинлиги. Демак, шахс ўзи истаган динга эътиқод қилса, эътиқод қилган дини буюрган вазифаларни ошқора равишда эркин бажара олса ҳамда динга муносабатига кўра маълум бир мажбуриятларга, тазйиққа учрамаса, унда ушбу шахс виждон эркинлиги ҳуқуқидан фойдаланаётган бўлади.

Виждон эркинлигининг аҳамияти шундаки, шахс ўзига маъқул тушган машғулот билан шуғулланиш орқали маънавий ва моддий манфаатдор бўлишга ҳаракат қилади.

Юқоридаги Декларацияни тўлдирувчи манба ҳисобланувчи Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактда ҳам биз муҳокама қилаётган ҳуқуқ тўғрисида нормалар акс этган бўлиб, унинг 18-моддасига кўра, ҳар бир инсон фикр, **виждон ва дин** эркинлиги ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқ ўз ихтиёри

²⁷ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 18-модда. Манба: <http://constitution.uz/uz/pages/humanrights>

²⁸ Ўша жойда, 19-модда.

билан ўзига маъқул динни қабул қилиш ва эътиқод қилиш эркини, якка ҳолда, шунингдек бошқалар билан биргаликда, ошқора ёки хусусий тартибда сиғинишга боришга, диний ва бошқа урф-одатларни ва маросимни бажариш эркини ҳам ўз ичига олади.

Ҳеч ким ўз ихтиёрига кўра ўз дини ва эътиқодига эга бўлиш ёки қабул қилиш эркини камситадиган мажбурий ҳолатга дучор этилмаслиги лозим.

Дин ёки эътиқодга сиғиниш эркига фақат қонун билан белгиланган ва жамоат хавфсизлигини, тартибини, саломатлиги ва ахлоқни сақлаш учун, шунингдек, бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркини муҳофаза этиш учун зарар бўлган чекловлар билангина дахл қилиш мумкин.

Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар ота-оналарнинг ва тегишли ҳолларда қонуний васийларнинг ўз болаларини ўз шахсий эътиқодига мувофиқ диний ва ахлоқий тарбиялаш эркини ҳурмат қилиш мажбуриятини олиши белгиланган бўлиб²⁹, ушбу кўрсатиб ўтилган нормалар Пактни ратификация қилган барча давлатлар учун мажбурий ҳисобланади, жумладан, Ўзбекистон учун ҳам. Мустақил Ўзбекистон томонидан ушбу Пактнинг ратификация қилинишининг асосий сабаби Ўзбекистон ўзи қурмоқчи бўлган демократик фуқаролик жамиятини бу каби халқаро ҳужжатларни ратификация қилиши ва бу орқали тенглар ичра тенг бўлиши мумкин эди ва шундай бўлди ҳам.

Юқорида таъкидланган ҳолатлар билан бир вақтнинг ўзида яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, болаларда ҳам таҳлил этилаётган ҳуқуқ мавжудлиги алоҳида халқаро ҳужжатда ўз аксини топган. Жумладан, 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция бўлиб, унинг 14-моддасида қуйидагича: “Иштирокчи-давлатлар боланинг фикрлаш, **виждон ва дин эркинлиги** ҳуқуқини ҳурмат қиладилар.

Иштирокчи-давлатлар ота-онанинг ҳамда тегишли ҳолатларда қонуний васийларнинг болага унинг ривожланаётган қобилиятларига мувофиқ

²⁹ Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро Пакт 1966 йил 19 февраль.
Манба: <https://kasaba.uz/wp-content/uploads/2015/06/%D0%9F%D0%B0%D0%BA%D1%82-1.pdf>

келадиган усул орқали бола ҳуқуқини амалга оширишда раҳбарлик қилиш ҳуқуқи ва мажбуриятларини ҳурмат қиладилар.

Ўз дини ёки эътиқодини тарғиб қилиш эркинлиги фақат қонунда белгиланган ҳамда давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳолининг маънавияти ва соғлиғини сақлаш ёки бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун зарур ҳисоблангандагина чекланиши мумкин”³⁰, - норма акс эттирилганлиги, бу соҳада ҳам давлатлар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор вазифалар мавжудлигини кўрсатади. Шунингдек, юқорида таъкидланган Конвенциянинг 30-моддасига кўра, этник, **диний** ёки тил жиҳатдан озчиликни ташкил қилувчи ёхуд туб аҳолига мансуб шахслар яшайдиган давлатларда ана шундай озчилик ёки туб аҳолига мансуб боланинг мазкур гуруҳ бошқа аъзолари билан биргаликда ўз маданиятидан фойдаланиш, **ўз динига эътиқод қилиш ва унинг расм-русумларини бажариш**, шунингдек, она тилидан фойдаланиш ҳуқуқи рад этилмаслиги лозим эканлиги белгиланган бўлиб³¹, бу орқали маълум бир ҳудудда озчиликни ташкил этувчи болаларда ўзининг эътиқод қиладиган динининг расм-русумларини бажаришга тўсқинлик қилиш тақиқланганлигини кўришимиз мумкин.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Конвенциясининг 9-моддасига кўра, ҳар ким фикр, дин, виждон эркинлиги ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ қуйидагиларни ўз ичига қамраб олади: ёлғиз ва жамоавий тарзда махфий ёи очик ҳолатда дин ва қарашларини ўзгартириш эркинлиги, ўз қарашлари ва динини очикдан-очик намоён этиш, ибодат қилиш, диний тадбирларда иштирок этиш, ўқитиш, тадқиқот ўтказиш кабилар.

³⁰ “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция. 14-модда. 20.11.1989 йилда қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги 757-ХП-сонли «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилиш ҳақида»ги Қарорига мувофиқ қўшилган. Манба: <https://lex.uz/docs/2595913>

³¹ “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция. 30-модда. 20.11.1989 йилда қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги 757-ХП-сонли «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилиш ҳақида»ги Қарорига мувофиқ қўшилган. Манба: <https://lex.uz/docs/2595913>

Юқорида таъкидланган ҳуқуқлар қонун билан демократик жамият учун лозим бўлганда фақат қуйидаги ҳолатлардагина чекланиши мумкин, жумладан, жамоат тартибни сақлаш, ахлоқ ва кишилар соғлиғини, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, бошқа инсонларнинг озодлиги ҳамда бошқа ҳуқуқларини ҳимоя қилиш³². Конвенцияда назарда тутилмаган чекловлар ўрнатилиши мумкин эмаслиги туфайли Европа Иттифоқи (ЕИ)га аъзо мамлакатларда бундан оғирроқ чекловлар мавжуд эмас деган хулосага келишимиз мумкин. Ушбу нормада қандай ҳолатларда шахснинг эркинлиги чекланиши мумкинлиги аниқ белгилаб қўйилганлиги туфайли бундан ортиқ ҳолатларда шахс эркинлиги чекланиши ноқонуний ҳисобланади. Ўз ҳуқуқлари бузилган шахс судга мурожаат қилиши мумкин бўлади. Шу ўринда Европа суди томонидан кўриб чиқилган бир масалани келтириб ўтишни лозим деб ҳисоблаймиз. Ушбу иш Греция ҳукуматига қарши Димитрас ва бошқаларнинг аризасига кўра кўрилган бўлиб, унга кўра, Димитрас ва бошқалар ўзининг диний қарашлари бошқача бўлишига қарамасдан, судда гувоҳлик бериш учун Инжил билан қасам ичишлиги лозим эканлиги туфайли, улар ўзларининг виждон эркинлиги ҳуқуқи бузилган деб ҳисоблаган ва суд бу вазиятда юқорида таъкидланган Конвенциянинг 9-моддаси талаблари бузилган деган хулосага келган³³.

Виждон эркинлиги ҳуқуқини таъминлашнинг асосий ғояларини яратишга ҳисса қўшган ва ҳозирги кунга қадар бошқа давлатларга намуна бўлиб келаётган Германия Федератив Республикаси (бундан сўнг матнда ГФР)да ҳозирги кунда виждон эркинлигини таъминловчи қонун ҳужжатлари билан танишиш орқали ушбу давлатнинг ижобий тажрибасидан фойдаланиш эҳтимоллиги ўрганилади.

³² European Convention on Human Right article 9. https://www.echr.coe.int/Documents/Convention_ENG.pdf

³³ Research division Overview of the Court's case-law on freedom of religion. Page 17. European Court of Human Rights. 19.01.2011 and updated 31.10.2013.

Манба: https://www.echr.coe.int/Documents/Research_report_religion_ENG.pdf

Жумладан, Германиянинг Асосий қонунининг 4-моддасида қуйидагича:
“Эътиқод ва виждон эркинлиги, диний ёки бошқа ғояларга ишонч эркинлигига дахл этилмайди.

Диний ибодатнинг чекланмаслиги кафолатланади.

Ҳеч ким ўз эътиқодига қарши равишда ҳарбий хизматга мажбурланиши мумкин эмас. Бу тўғрисидаги қўшимча нормалар махсус федерал қонун билан тартибга солинади”³⁴, - норма келтириб ўтилган бўлиб, ушбу норма орқали ГФРда шахснинг эътиқод масаласи дахл этилмайдиган, давлат томонидан аралашилмайдиган соҳа эканлигини кўришимиз мумкин. Ушбу норма орқали ҳарбий хизматга оид тартибни белгиланганлиги ГФРда ҳарбий хизматни ўташни рад этувчи бир қатор диний гуруҳлар ҳамда секталар мавжудлигини ва давлат бу каби секталарнинг фаолиятига, ушбу секталарга аъзо бўлган шахсларнинг ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминлаб келаётганлигини кўрсатмасдан қолмайди.

Бундан ташқари юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг 7-моддасида Германияда таълим олиш, шу жумладан диний таълим олишга доир масалалар тартибга солинган бўлиб, ушбу моддани тўлиқ шаклда келтирсак, тушунарлироқ бўлади. Барча шаклдаги таълим муассасалари давлат назорат остида фаолият юритади.

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларда (фарзандликка олувчи, васий ёхуд ҳомий қабилар) фарзандлари диний маълумотлар олишига доир қарор қабул қилиш ҳуқуқи мавжуд.

Давлат мактабларида диний таълим одатдаги фанлар гуруҳининг бир қисми ҳисобланса-да, маълум бир динга ўқитишга мослашган таълим муассасаларида бундай эмас. Давлат назорат ўрнатилган ҳолда маълум бир диний ташкилотнинг қарашларига асосланган диний таълим берилишига йўл қўйилади. Диний таълим бериш жараёнида ўқитувчилар томонидан

³⁴ The German Constitution (Basic Law) article 4. “Religious practice and observance in EU Member states” page 101-102 Alejandro Saiz Arnaiz and other. <http://www.europarl.europa.eu/studies> шунингдек, қуйидаги манбадан фойдаланилган: <https://www.btg-bestellservice.de/pdf/80201000.pdf>

мажбурлашга йўл қўйилмайди³⁵. Ўзбекистондан фарқли равишда ГФРда махсус диний таълим муассасаларидан ташқари давлат мактабларида ҳам диний фанлардан таълим берилиши мумкин бўлиб, бунда маълум бир динга алоҳида урғу берилмаганлиги, дунёда кенг тарқалган динлар ҳақида атрофлича маълумот берилиши натижасида таълим муассасалари битирувчиларида диний қарашларга нисбатан ҳурмат, бошқа дин вакилларига нисбатан толерантлик, ўзгаларнинг динга оид қарорларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, диннинг умумэътироф этилган қоидаларига асосий билимларига таянган ҳолда динни нотўғри талқин қилувчилар тузоғига тушмаслик каби бир қатор ижобий тажрибалар вужудга келганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Юқоридагилар билан бир вақтнинг ўзида ГФР Конституциясининг 140-моддаси билан 11.08.1919 йилда қабул қилинган Германия Конституциясининг (Веймар Конституцияси) 136, 137, 138, 139, 141-моддалари мазкур Конституциянинг муҳим қисми ҳисобланиши белгиланган. Ушбу моддаларда ҳам бир қатор маълумотлар мавжудлиги сабабли уларнинг баъзи қисмларига мурожаат қилишни лозим деб ҳисобладик.

Жумладан, 136-моддага кўра, сиёсий ҳамда фуқаролик ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари диний эркинлик ҳуқуқини чеклашга қаратилган бўлиши ёки унга асосланган бўлишига ҳам йўл қўйилмайди. Диний қарашлардан қатъий назар фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан эркин фойдаланиш ҳамда давлат органлари эркин мурожаат қилиш ҳуқуқи таъминланади. Ҳеч кимдан ўз диний қарашларини ошқора амалга оширишни талаб қилиниши мумкин эмас. Фақатгина давлат ҳокимияти органлари шахснинг диний мансублигига оид маълумотларни статистик ҳисоботларни юритиш ёки шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини рўёбга чиқариш мақсадида сўрашлари мумкин. Ҳеч ким бирор бир диний ҳаракат ёки маросимни амалга оширишга, диний

³⁵ The German Constitution (Basic Law) article 7. “Religious practice and observance in EU Member states” page 101-102 Alejandro Saiz Arnaiz and other. <http://www.europarl.europa.eu/studies> шунингдек, куйидаги манбадан фойдаланилган: <https://www.btg-bestellservice.de/pdf/80201000.pdf>

ибодатлардан иштирок этишга, диний шаклдаги қасамларни қабул қилишга мажбурланиши мумкин эмас. Шунингдек, 141-моддага кўра, армия, касалхона, жазони ижро этиш муассасалари ва бошқа шу каби жамоат институтларида диний хизмат ёхуд диний ёрдамга эҳтиёж туғилганда диний ташкилотлар томонидан бу каби вазифалар амалга оширилишига рухсат берилиши мумкин, аммо исталган шаклдаги куч ишлатишга оид чекловлар ўрнатилган ҳолда³⁶.

Юқорида таъкидланган нормалар бир асрдан олдинроқ қабул қилинган бўлишига қарамасдан ўрганиш мумкин бўлган бир қатор нормаларни жамлаган, жумладан, ҳеч кимдан ўз ўз диний қарашларини ошкора амалга оширишни талаб этишнинг мумкин эмас эканлиги. Шахснинг маълум бир динга мансублигининг аниқланиши унга нисбатан маълум бир чекловларни ўрнатишга, айрим ҳуқуқлардан маҳрум қилишга, динга муносабатига кўра ёндашишга сабаб бўлиши мумкин бўлганлиги туфайли ҳам долзарб ҳисобланади ва шунинг учун конституцион норма сифатида ўз аксини топган.

ГФРнинг тажрибасида алоҳида ўрин тутудиган жиҳат шундаки, ушбу давлатда жамоавий ибодат қилиш ҳуқуқи яхши таъминланган. Жумладан, ГФРда 4.4-4.7 миллион мусулмон аҳоли истиқомат қилса, ушбу аҳолига 2350-2750 та масжидлар хизмат қилади³⁷. Бу ўртача 1709-1872 та мусулмонга битта жамоат ибодат жойи тўғри келмоқда деганидир. Солиштириш учун Ўзбекистонда 2019 йилда 33.375.800 нафар аҳоли бўлган бўлса³⁸ ва унинг 70 % мусулмон бўлса ҳамда масжидларнинг сони 2066 тани ташкил этса³⁹, ўртача 11.308 нафар шахсга битта масжид тўғри келаётганлигини ва ўтадаги фарқ олти баробардан кўпроқни ташкил этаётганлигини кўришимиз мумкин. Жамоавий ибодат қилиш учун қўйилган чекловларни камайтириш лозим.

³⁶ The German Constitution (Basic Law) article 140. “Religious practice and observance in EU Member states” page 102-103 Alejandro Saiz Arnaiz and other. <http://www.europarl.europa.eu/studies> шунингдек, куйидаги манбадан фойдаланилган: <https://www.btg-bestellservice.de/pdf/80201000.pdf>

³⁷ Mosques in Germany: Statistics hard to come by / ekektron source: <https://www.dw.com/en/mosques-in-germany-statistics-hard-to-come-by/a-45806004>

³⁸ 2019 йилнинг апрель санаига аҳоли сони. <https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-gks/5645-22042019>

³⁹ 2019 йилда Ўзбекистонда неча масжид очилди. <http://muslim.uz/index.php/yangiliklar-2016/uzbekistan/item/18250>

Германия билан бир тарихий илдишларга бориб тақалувчи давлат бўлган Австриянинг 1867 йилда қабул қилинган ва ҳозирги кунга қадар амалда бўлган Асосий Қонуни билан ушбу давлатда виждон эркинлигига оид бир қатор ижтимоий муносабатлар тартибга солинганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг 14-моддасига кўра, ҳар ким виждон ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқидан фойдаланиши кафолатланган. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланиш диний эътиқоддан қатъий назар амалга оширилиши мумкин⁴⁰.

Италия қонунчилигида ҳам виждон эркинлигига оид бир қатор нормалар акс этган бўлиб, улардан баъзиларига тўхталиб ўтишни лозим деб ҳисоблаймиз. Жумладан, Конституциянинг 7-моддасига кўра, давлат ва Католик ибодатхонаси ўз соҳаларида мустақил ва суверендир. Улар ўртасидаги муносабатлар Латеран Пактлари билан тартибга солинади. Бу Пактларга иккала томоннинг розилиги билан киритиладиган ўзгаришлар Конституцияга қўшимчалар киритишни талаб қилмайди. Шунингдек, 8-моддага кўра эса, барча диний конфессиялар қонун олдида тенг ҳисобланади. Диний конфессиялар ўртасидаги муносабатлар давлатнинг қонуни билан тартибга солинади ва бу қонунлар конфессиялар вакиллари розилигига асосланган ҳолда қабул қилинади. Бундан ташқари, 19-моддада фуқароларнинг виждон эркинлигига оид ҳуқуқлари акс этган норма мавжудки, унга кўра, ҳар бир шахс ўзининг исталган шаклдаги диний қарашларини ошқора равишда эркин амалга ошириш, ёлғиз ёки жамоа бўлиб, диний қарашларни ўзгаларга тарқатиш ва махфий ёки ошқора тарзда диний ибодатни амалга ошириш каби ҳуқуқларга эга, аммо диний урф-одатлар ва маросимлар жамоат ахлоқига қарши бўлмаслиги лозим.

Юқорида таъкидланганлар билан бирга яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, 20-моддага кўра, диний ёки ибодат мақсадларида ёки Христиан динига алоқадор бўлган исталган турдаги бирлашма ёки институтнинг нормал

⁴⁰ Австрия Асосий Қонуни 1867. 14-модда.

Манба: <http://constitutionnet.org/sites/default/files/Austria%20FULL%20Constitution.pdf>

фаолият юритишни чеклашга қаратилган махсус қонуний чекловлар ёки солиқлар солинишига йўл қўйилмайди⁴¹. Юқорида келтириб ўтилган нормалардан билишимиз мумкинки, Италияда Христианликнинг Католик оқими ҳокимиятига алоҳида урғу берилган ва давлат ушбу дин томонидан амалга ошириладиган баъзи ҳаракатларни тан олган. Икки томоннинг розилиги билангина кучга кирадиган махсус келишувлар тизимининг мавжудлиги ҳозирги кунда ҳам Рим Католик дини Италияда салмоқли ўринга эга деган хулоса келишга сабаб бўлади. Лекин бу орқали бошқа динларга эътиқод қилувчи шахсларнинг ҳуқуқлари бузилишига оид нормалар акс этмаганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Бошқа давлатлар қонунчилигидан ажралиб турувчи яна бир жиҳат шундаки, диний ташкилотларнинг фаолиятини чеклашга қаратилган махсус қонунлар қабул қилиш ёки уларни солиққа тортиш орқали диний фаолиятга аралаштиришга йўл қўйилмайди. Бу билан давлат бирор бир диний ташкилотга ёки диний оқим, секта, динга қарши аниқ ифодаланган қонуний акция ўткази олмамлигини кўрсатади.

Финландия Конституциясининг 11-моддасига кўра, ҳар ким дин ва виждон эркинлиги ҳуқуқига эга. Виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқи диний ташкилотнинг аъзоси бўлиш ёки бўлмастик, ўз қарашларини эркин ифода этиш, динга очикдан-очик ибодат қилиш каби ҳуқуқларнинг йиғиндиси ҳисобланади. Ҳеч ким ўз эркига хилоф равишда мажбуран бирор бир диний машғулотларни амалга оширишга мажбурланишига йўл қўйилмайди⁴². Финландиянинг диний демографик ҳолати қуйидагича, яъни: 78 % аҳоли Евангелия протестантлик оқимига, 1 % аҳоли эса Проваслав оқимига, Иагова шоҳидлари, Финландиянинг Эркин ибодатхонаси, Рим Католик, Ислом,

⁴¹ The Italy Constitution articles 7-8, 19-20. "Religious practice and observance in EU Member states" page 104 Alejandro Saiz Arnaiz and other. <http://www.europarl.europa.eu/studies> other, шунингдек, қуйидаги манбадан фойдаланилган: <https://www.wipo.int/edocs/lexdocs/laws/en/it/it037en.pdf>

⁴² The Constitution of Finland. 11.06.1999. № 731/1999. Section 11.

Манба: https://www.constituteproject.org/constitution/Finland_2011.pdf?lang=en

Пентикастал оқими⁴³, 7-кун Ибодат қилувчилари⁴⁴, Муқаддас Исо Масихнинг қайтиши ибодатхонаси ҳамда Яҳудийлик динига эътиқод қилувчиларнинг сони умумий аҳоли сонининг бир фоизидан камини ташкил этади⁴⁵. Финландияда яшовчи ҳамда Евенгалия протестантлик ва Проваслав оқимларига эътиқод қилувчи шахслар черков учун 1-2 % миқдорида даромад солиғи тўлашлари лозим бўлиб, черков натижада туғилиш, ўлим ҳамда никоҳни қайд этиш каби вазифаларни бажаради. Юқоридаги диний оқимларга аъзо бўлмаган ёхуд солиқ тўлашни истамаган шахсларга бу каби хизматлар давлат органлари томонидан кўрсатилади. Фин қонунчилигига кўра, диний ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказиш ва унинг фаолият юритиши учун камида 20 нафар 18 ва ундан юқори ёшдаги аъзолари бўлиши талаб этилади, 2011 йил маълумотларига кўра, мамлакатда 50 та диний гуруҳлар фаолият юритади. Таҳлил этилаётган давлатимиз қонунчилигининг ўзига хос жиҳатидан бири шундаки, Диний эркинлик тўғрисидаги 2003 йилдаги қонунга асосан, бир шахс бир неча диний гуруҳ ёки динларга аъзо сифатида кириши мумкин⁴⁶. Бундан ташқари, Иегова шоҳидлари диний гуруҳига эътиқод қилувчи шахслар ҳарбий ёки унинг ўрнини босувчи бошқа хизматлардан озод қилинганлиги ҳам эътиборга молик жиҳат ҳисобланади. Юқорида таъкидланган хизматлардан бўйин товлаш жиноят ҳисобланиб, биргина 2011 йилда бу каби жиноятда 8 кишининг айбланганлиги⁴⁷ бу фуқаролар ҳамда Иегова шоҳидлари диний сектасига аъзо фуқаролар ўртасида тенглик мавжуд эмаслигини кўрсатмасдан қолмайди.

Диний эркинлик тўғрисидаги 2003 йилдаги Қонуннинг 7-моддасига кўра, диний ташкилотнинг мақсади иқтисодий фойда олиш ёки бошқача

⁴³ Pentecostal – Христиан динининг 1901 йилда АКШларида вужудга келган ҳамда Библияда ёзилганларнинг барчаси тўғри деб ҳисобловчиларни жамлаган оқими ҳисобланади.

⁴⁴ Seventh-Day Adventists –Христианлик динининг оқими бўлиб, ушбу оқимнинг асосий ғояси Исо Масих Ерга яқинда қайтади ҳамда яқшанба куни ибодат куни ҳисобланиши кабилардир.

⁴⁵ International Religious Freedom Report for 2011 Finland.
<https://2009-2017.state.gov/documents/organization/193018.pdf>

⁴⁶ Religious Freedom Act 2003 Article 8. 06.06.2003 year adopted № 453. Манба:
[http://www.ilo.org/dyn/natlex/docs/ELECTRONIC/64997/97064/F1050134454/FIN64997%20English%20\(extracts\).pdf](http://www.ilo.org/dyn/natlex/docs/ELECTRONIC/64997/97064/F1050134454/FIN64997%20English%20(extracts).pdf)

⁴⁷ International Religious Freedom Report for 2011 Finland.
<https://2009-2017.state.gov/documents/organization/193018.pdf>

шаклда иқтисодий фаолият билан шуғулланишни ташкил этиши мумкин эмас. Шунингдек, ушбу Қонуннинг 17-моддасига асосан эса, диний ташкилот давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг судда ёки бошқа давлат органида мустақил тараф сифатида иштирок этиши мумкин экан, шунингдек, ушбу нормага кўра, диний ташкилот аъзолари диний ташкилот номидан иш кўриши мумкин эмас бўлиб, бунга фақат диний ташкилот кўмитаси ёки ушбу кўмита томонидан сайланган (тайинланган) диний ташкилот раҳбари ваколатлидир⁴⁸.

Шунингдек, мамлакатимиз қонунчилигидан фарқли равишда Финландия қонунчилигида диний ташкилот фаолияти тўхтатиб турилиши ҳамда тугатилиши мумкин. Жумладан, юқорида таъкидланган қонуннинг 24-моддасида диний ташкилот фаолияти тўхтатиб туриш тартиби белгиланган бўлиб, унга кўра, агарда диний ташкилот охириги ўн йил давомида рўйхатдан ўтказган органига бирорта ҳам расмий хабар юбормаган бўлса, унинг фаолияти рўйхатдан ўтказган органи⁴⁹ томонидан тўхтатилади, аммо диний ташкилот бунинг тескарисини исботласа, диний ташкилот фаолиятини давом эттириши мумкин бўлади. Шунингдек, диний ташкилот фаолиятини тўхтатилишидан олдин эшитилиши лозим эканлиги мажбурий норма сифатида ушбу моддада акс этганлиги ноқонуний равишда диний ташкилот фаолияти тўхтатилиши каби қонунбузилиш ҳолатлари вужудга келиши ҳолатларини олдини олишга хизмат қилади. Бундан ташқари, юқоридаги қонуннинг 25-моддасига кўра, Таълим вазирлиги, Халқ Прокуратураси ва диний ташкилотнинг аъзоларидан бири томонидан диний ташкилот давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги биринчи инстанция судига мурожаат қилинганда ҳамда диний ташкилот томонидан қонунларни бузишга қаратилган хатти-ҳаракатлар содир этилганда ёки янги нормаларни маҳаллий қонунлар сифатида ўрнатишга қаратилган ҳаракатлар мақсад қилиб кўйилганда, суд томонидан диний ташкилот фаолияти тугатилиши мумкин.

⁴⁸ Religious Freedom Act 2003. Article 7, 17. 06.06.2003 year adopted № 453. Манба: [http://www.ilo.org/dyn/natlex/docs/ELECTRONIC/64997/97064/F1050134454/FIN64997%20English%20\(extracts\).pdf](http://www.ilo.org/dyn/natlex/docs/ELECTRONIC/64997/97064/F1050134454/FIN64997%20English%20(extracts).pdf)

⁴⁹ Финландияда диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш The National Board Patent and Registration органи томонидан амалга оширилади.

Агарда диний ташкилот томонидан содир этилган ҳаракатларга жамоат қизиқиши ташкилотни тугатишни талаб қилмаса, суд диний ташкилотни тугатиш ўрнига унга огоҳлантириш бериши мумкин⁵⁰. Ҳозирги кунда амалда бўлган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 409-сонли 2018 йил 31 майда қабул қилинган Қарорига кўра, диний ташкилот фаолияти тўхтатилиши мумкин эмас, фақатгина тугатилиши мумкин. Аммо бу ваколат Финляндиядан фарқли равишда суд томонидан эмас, балки давлат рўйхатидан ўтказадиган адлия орган томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Навбатдаги таҳлил этадиган давлатимиз бу Янги Зеландия бўлиб, дастлаб ушбу ҳудуд аҳолисининг диний демографияси ҳақида атрофлича тўхтатилишни озим деб ҳисоблаймиз. Жумладан, унинг аҳолиси 2018 йилда 4.5 миллион нафарни ташкил этиб, ушбу аҳолининг 12.6 % и Рим Католик, 11.8 % и Англия протестантлари, 8.5 % и Присбийтрион (АҚШ ҳамда Шотландияда кенг тарқалган христианлик оқими), 15 % и христианликнинг бошқа оқимлари, 2.1 % и Ҳиндуийлик, 1.5 % и Буддизм, 1.2 % и Мусулмон, 42 % и бирорта ҳам динга эътиқод қилмайдиган, 4.4 % и аҳоли эса ўзининг динга муносабатини ошкор этишни хоҳламайдиганларни ташкил этиши 2013 йилда амалга оширилган сўровномалар орқали аниқланган⁵¹.

Янги Зеландия виждон эркинлиги соҳасида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳамда халқаро Пактнинг барча тавсияларини имплементация қилган.

Ушбу давлатда диний ташкилот фаолият юритиш учун рўйхатдан ўтказиш мажбурияти мавжуд эмас, агарда диний ташкилот хайрия ишлари

⁵⁰ Religious Freedom Act 2003. Article 24, 25. 06.06.2003 year adopted № 453. Манба: [http://www.ilo.org/dyn/natlex/docs/ELECTRONIC/64997/97064/F1050134454/FIN64997%20English%20\(extracts\).pdf](http://www.ilo.org/dyn/natlex/docs/ELECTRONIC/64997/97064/F1050134454/FIN64997%20English%20(extracts).pdf)

⁵¹ “New Zealand 2018 international religious freedom report” page 2. Манба: <https://www.state.gov/wp-content/uploads/2019/05/NEW-ZEALAND-2018-INTERNATIONAL-RELIGIOUS-FREEDOM-REPORT.pdf>

учун, ўз фаолиятини ривожлантириш учун, солиқлар тўлаш учун пул маблағлари йиғса, Ички ишлар департаментидан ишончлилиқни ошириш мақсадида рўйхатдан ўтказилади ҳамда бунинг учун **давлат органларига маблағ ундирилмайди**. Умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига кўра, виждон эркинлиги давлат томонидан тўғридан-тўғри тан олинадиган ҳуқуқ ҳисобланади, яъни фуқаролар ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш учун давлатдан руҳсат олиши шарт эмас. Диний ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият юритиши фуқароларнинг ушбу ҳуқуқларини рўёбга чиқарилиши деб ҳисоблаш мумкин.

Бундан ташқари, халқаро ташкилотлар ҳамда ривожланган демократик давлатлар томонидан Хитой Халқ Республикаси (бундан сўнг матнда – ХХР шаклида баён этилади) тарихий Шарқий Туркистон ҳудудида истиқомат қилувчи мусулмон фуқароларига динга муносабати туфайли турли қийноқлар ва бошқа чекловларни амалга оширмақда деган айблови мавжудлиги сабабли ушбу давлат қонунчилигида бу масалага нечоғлиқ эътибор қаратилганлиги ўрганилди. Жумладан, ХХР Конституциясининг 36-моддаси ушбу масалага бағишланган бўлиб, унга кўра, ХХРнинг фуқаролари диний эътиқод эркинлигига эгадирлар.

Бирор бир давлат органи, юридик ва жисмоний шахслар фуқароларга бирор бир динга ишонишга ёки ишонмасликка мажбурлаши, шунингдек, юқоридаги шахслар шахснинг динга муносабатига кўра дискриминация қилишлари мумкин эмас.

Давлат нормал диний фаолиятни ҳимоя қилади. Ҳеч ким диндан давлат таълим тизимига путур етказиш, фуқаролар соғлигига зарар етказиш, жамоат тартибини бузиш каби фаолият сифатида фойдаланиши мумкин эмас.

Диний ташкилотлар ҳамда диний ишлар хорижий кучлар томонидан бошқарилишига йўл қўйилмайди⁵². Ушбу давлатга хос бўлган хусусиятлардан бири шундаки, ХХР Конституцияси билан фақатгина ХХР фуқароларининг

⁵² Constitution of the People's Republic of China. Article 36. <http://www.china.org.cn/english/features/89012.htm>

виждон эркинлиги ҳуқуқи тан олинган бўлиб, ушбу давлат ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек, чет эл фуқароларининг бундай ҳуқуқлари конституциявий ҳуқуқ сифатида эътироф этилмаган. Бундан ташқари юқоридаги нормага кўра, давлат фақатгина нормал диний фаолиятни қўллаб-қувватлаши белгиланганлиги, ушбу давлат ўзига зарур бўлган маълум бир динни қўллаб-қувватлаб, бошқасини камситишга сабаб бўлувчи хатти-ҳаракатларни амалга ошириши мумкин деган важларни келтириб чиқарди. Бу билан эса, динлар тенглиги ва уларнинг ҳеч бири иккинчисидан устун эмаслиги каби халқаро қонданнинг кўп миллатли ва кўп динли давлат томонидан амалга оширилиши ушбу ҳудудда фуқаролар тотувлиги бузилиши мумкинлигини кўрсатмасдан қолмайди, бизнингча.

Виждон эркинлигини бузишга қаратилган қонун ҳужжатлари қабул қилинган ва фуқароларнинг бу ҳуқуқларига оид қонун ҳужжатларини бузиб келаётган давлатлардан яна бири – бу Покистон Ислом Республикаси бўлиб, юқоридаги каби камчиликларга йўл қўйилаётганлиги учун ҳам ушбу давлатнинг Конституциясига тўхталишликни лозим деб ҳисобладик. Жумладан, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг 1-моддасига кўра, Покистон Федерал давлат ҳисобланади ва тўлиқ номи Покистон Ислом Республикаси. 2-моддага кўра эса, Ислом Покистоннинг давлат дини ҳисобланади. Шунингдек, 31-моддасига асосан, Покистонда яшовчи барча мусулмон аҳоли ўз ҳаётларини ёлғиз ёки жамоавий тарзда Ислом динининг асосий қоидалари ва фундаментал принципларига асосланган ҳолда ташкил этишлари ва Муқаддас Қуръон ҳамда суннат талабларидан келиб чиқиб ишларни амалга оширишлари лозим. Бундан ташқари, Давлат Қуръонни тўғри ва аниқ ҳолда босиб чиқарилишини ҳамда Исломият ва Муқаддас Қуръонни мажбурий ўқитилишини, шунингдек, Исломнинг ахлоқий стандартларига бўйсунилишини ва ягоналикни ташкил этилиши лозим⁵³. Ушбу нормалардан

⁵³ Constitution of Islamic Republic of Pakistan, Article 1-2, 31. 1973 (with amended 2002 year) “The Religion-state Relationship and the Right to Freedom of Religion or Belief: A Comparative Textual Analysis of the Constitutions of Predominantly Muslim Countries” written by Tad Stahnke and Robert C. Blitt. March 2005. United States Commission on International Religious Freedom. www.uscirf.gov

кўришимиз мумкинки, Покистонда айнан бир динга эътиқод қилувчи шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муҳим даражага чиқарилиб, қолган дин вакиллари эса санаб ўтилмаган. Бу эса динлараро тотувликни таъминланмаслигига олиб келмасдан қолмаслигини ушбу давлатда содир бўлиб турадиган тўқнашувлардан билишимиз мумкин. Шундай бўлишига қарамасдан, юқоридаги Конституциянинг 20-моддасига кўра, Қонунга мувофиқ ҳолда жамоат тартиби ва ахлоқ қоидаларига асосланган ҳолда ҳар бир фуқаро ўз динига эътиқод қилиш, уни тарғиб қилиш ҳамда ҳар бир дин ва диний секталар ўзларининг диний ташкилотларини ташкил этиш ҳуқуқларига эга эканлиги белгиланган. Бундан ташқари, 21-моддага кўра, ҳеч бир шахс ўзи эътиқод қиладиган динидан ўзга диннинг тарғиботи ва сақлаш (диний жойларни, ибодат буюмларини, руҳонийларнинг таъминоти каби харажатлар) учун махсус алоҳида солиқ тўлашга мажбур этилиши мумкин эмас⁵⁴.

Ушбу параграфда таҳлил этилган масалалардан келиб чиққан ҳолда шуни алоҳида таъкидлашимиз лозимки, виждон эркинлиги ҳуқуқининг асосий тамойиллари деярли барча давлатларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида ўз аксини топган бўлишига қарамасдан, бу ҳуқуқни бузганлик учун турли давлатларда турлича жиноят ва шунга мос равишда жиноий жазо деб топилади. Баъзи дунёвий давлатлар барча динларга тенг муносабатда бўлса-да, айрим диний тамойилларга асосланган давлатларда маълум бир динга алоҳида урғу берилганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиздир.

⁵⁴ Constitution of Islamic Republic of Pakistan, Article 20-21. 1973 (with amended 2002 year) “The Religion-state Relationship and the Right to Freedom of Religion or Belief: A Comparative Textual Analysis of the Constitutions of Predominantly Muslim Countries” written by Tad Stahnke and Robert C. Blitt. March 2005. United States Commission on International Religious Freedom. www.uscirf.gov

2. ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИНИ БУЗИШ ЖИНОЯТИНИНИНГ ЖИНОЙИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ:

2.1 Виждон эркинлигини бузиш жиноятларининг объектив ва субъектив белгилари таҳлили

Виждон эркинлигини таъминлашга қаратилган ҳужжатларда мустақамланганидек, ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқ ўз ихтиёри билан ўзининг динига эга бўлиш ва уни қабул қилиш эркинлигини ҳамда ўз динини яқка ҳолда ҳам, бошқалар билан биргаликда ҳам оммавий ёки хусусий тартибда эътиқод қилиш, ибодатларни бажариш, диний ва бошқа урф-одатларни ва маросимларни бажариш эркинлигини ўз ичига қамраб олади.

Ушбу параграфда юқорида таъкидланган ва бошқа бир қатор ҳуқуқларни бузилиши ортидан содир этиладиган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 145-моддасида белгиланган жиноий қилмишнинг таркибига тўхталиб ўтилади ҳамда бу орқали ушбу моддада назарда тутилган жиноятнинг алоҳида белгиларига тўхталишни лозим деб топдик.

Жиноят ҳуқуқининг назариясига кўра, жиноят объекти жиноят содир этилиши натижасида зарар кўрадиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Виждон эркинлигини бузиш жиноятининг **объекти** Конституция билан кафолатланган виждон ва эътиқод эркинлигини, диний ташкилотларнинг қонуний фаолиятини таъминловчи ижтимоий муносабатлар, шунингдек фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади⁵⁵.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 145-моддаси бир-бирига яқин бўлган, аммо мустақил жиноятлар жамидан ташкил топган бўлганлиги туфайли ҳар бир қисмининг объектив томонини алоҳида ёритилиши лозим.

⁵⁵ Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. Махсус қисм. // «Адолат» Тошкент 2016. 177-бет

Жумладан, модданинг 1-қисмида назарда тутилган жиноят диний ташкилотларнинг қонуний фаолиятига ёки диний маросимларни ўтказишга тўсқинлик қилишда ифодаланади⁵⁶.

Ушбу жиноят тўсқинлик қилишда намоён бўлиб, тўсқинлик икки ҳолатдан камида бири бўлишини талаб этади, биринчиси бу – диний ташкилотнинг қонуний фаолияти бўлса, иккинчиси диний маросимларни ўтказиш ҳисобланади.

Ҳар бир диний ташкилот ўз фаолиятини ташкил этишда ўз низомига асосан ва амалдаги қонун нормалари талаблари доирасида маълум бир вазифаларни амалга оширади. Ушбу вазифаларни бажаришга исталган тўсқинлик қилиш ЖКнинг 145-моддаси 1-қисмида таъкидланган.

Тўсқинлик қилиш атамасига ҳуқуқшунос олимлар қуйидагича: “**Тўсқинлик қилиш** диний муассасаларнинг фаолиятини ноқонуний тўхтатишда (масжид, черков, синагога, ибодатхона, шунингдек ибодат қилиш, ибодат ва диний мажлислар, зиёрат қилиш учун махсус мўлжалланган жой ва объектларни ёпиб қўйиш), диний маросимларни ўтказишга йўл қўймасликка қаратилган ҳаракатларни содир этиш (никоҳ ўқиш, суннат қилиш, жаноза ўқиш ёки марҳумни дафн этиш, намоз ўқиш ва ҳоказолар), уларни ўтказишга жисмонан тўсқинлик қилишда, диний ташкилотларни рўйхатга олишни ноқонуний рад этишда ва ҳоказоларда ифодаланиши мумкин”⁵⁷, - таъриф беришган.

Фақатгина қонун доирасида амалга оширилаётган фаолиятга ва фуқароларнинг ҳуқуқларига тажовуз қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда диний маросимларни ўтказишга тўсқинлик қилиш ҳолати жиноят ҳисобланади. **Виждон эркинлиги** диний маросимларни фақат қонун доирасида амалга оширишни назарда тутди⁵⁸.

⁵⁶ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 145-моддаси 1-қисми. Манба: <https://lex.uz/docs/111453>

⁵⁷ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарх. Махсус қисм. Рустамбоев М.Х. «Адолат» Тошкент 2016. 178-бет

⁵⁸ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарх. Махсус қисм. Рустамбоев М.Х. «Адолат» Тошкент 2016. 178-бет

ЖКнинг 145-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят диний ташкилотларнинг қонуний фаолиятига ёки диний маросимларни ўтказишга тўсқинлик қилишга қаратилган қилмиш содир этилган пайтдан **туғалланган** деб топилади⁵⁹.

ЖКнинг 145-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, худди шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишдан иборат бўлади⁶⁰.

Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга ноқонуний тарзда жалб қилишга турли йўллар билан диний ташкилотларнинг фаолиятида иштирок этишга (алдаш, моддий рағбат ваъда қилиб, ўч олиш, қўрқитиш, қасос олиш туйғусини сингдириш, кўра олмаслик ёки бошқа сабабларни кўрсатиб) мажбурлаш ёки кўндириш ҳолатлари киради⁶¹. Ҳуқуқшунос олимлар юқоридаги каби фикр билдиришган бўлишларига қарамасдан, вояга етмаган шахсни диний ташкилотга аъзо қилишнинг қонуний шакли мавжуд эмас, чунки 01.05.1998 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддаси 3-қисмига кўра, вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга йўл қўйилмаслиги белгиланган⁶². Ушбу нормага асосланган ҳолда шуни таъкидлашимиз лозимки, вояга етмаган шахсни қонуний тартибда диний ташкилотга аъзо сифатида киритиш мумкин эмас, демак юқорида таъкидланган **“Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга ноқонуний**

⁵⁹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. Махсус қисм. Рустамбоев М.Х. «Адолат» Тошкент 2016. 179-бет

⁶⁰ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 145-моддаси 2-қисми Манба: <https://lex.uz/docs/111453>

⁶¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. Махсус қисм. Рустамбоев М.Х. «Адолат» Тошкент 2016. 179-бет

⁶² Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддаси 3-қисми (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 99-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 513-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон)

тарзда жалб қилиш”, - фикрдаги “**ноқонуний тарзда**”, - деган жумла ишлатилганлигига сабаб шундаки, 14.06.1991 йилда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунда вояга етмаган шахсларни диний ташкилотга аъзо сифатида киришини чеклашга қаратилган норма мавжуд эмас эди ва бу билан вояга етмаган шахслар диний ташкилотларга аъзо сифатида кириши мумкин бўлган, бу вазиятда қонунчиликдаги “Тақиқланмаган бўлса, мумкин”, - принципи амалда бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Ноқонуний тарзда динга ўқитиш – бу вояга етмаган болаларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда дин ҳақидаги турли билимларни сингдиришга ҳаракат қилишдир⁶³.

Юқорида таъкидланганлар билан бирга ушбу соҳада бўлиши мумкин бўлган бир қатор қонунбузилишлар ҳам мавжудки, улардан баъзилари қуйидагилардир:

- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилмаган, тегишли лицензия олмаган Диний ўқув юртлари фаолиятини ташкил этиш ва бундай диний ўқув юртларида вояга етмаган шахсларга таълим бериш;
- Олий ва ўрта диний ўқув юртларига умумий мажбурий ўрта таълим олмаган шахсларни ўқишга қабул қилиш;
- Диний таълим олмаган ва ўз фаолиятларини тегишли марказий бошқарув органининг рухсатисиз амалга оширадиган шахслар томонидан Диний ўқув юртларида диний фанларни ўқитилиши;
- Хусусий тартибда диний таълим бериш кабилар⁶⁴.

Ушбу таъкидланган ҳолатларнинг сўнги иккитаси Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 229²-моддасида белгиланган бўлишига

⁶³ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. Махсус қисм. Рустамбоев М.Х. «Адолат» Тошкент 2016. 179-бет

⁶⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддасида таъкидланган ҳолатлари таҳлили юзасидан шакллантирилган қилмишлар рўйхати / манба: (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 99-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 513-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон)

карамасдан⁶⁵, дастлабки иккитаси жиноий-ҳуқуқий норма сифатида белгиланмаган. Ваҳоланки, ушбу ҳаракатлар учун ЖКнинг 145-моддаси 2-қисми билан жавобгарликка тортиш ноқонуний ҳисобланади, чунки ушбу норма диспозициясида юқоридаги ҳаракатлар таъкидланмаган. ЖКнинг 145-моддаси 2-қисмида таъкидланган қуйидагича: “вояга етмаган болаларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитиш”, - ҳаракат учун вояга етмаган болаларнинг ихтиёри, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёри тўлиқ аниқланиши лозим бўлиб, баъзан вояга етмаган болаларнинг ихтиёрига зид равишда уларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёри билан болага мажбурий диний таълим бериш ҳаракати содир этилган бўлиши мумкин. Ушбу вазиятда таъкидланган субъектларнинг барчаси ўз ихтиёрига кўра вояга етмаган шахсга нисбатан диний таълим берилган бўлса, бу каби вазиятда ушбу жиноят таркиби мавжуд бўлмайти ва жавобгарлик келтириб чиқармайди.

ЖКнинг 145-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этишга, худди шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга қаратилган ҳаракатлар содир этилган пайтдан бошлаб **тамомланган** ҳисобланади⁶⁶. Мазкур ҳолатда таъкидланган юқоридаги фикрларнинг айримларига қўшилиши мушкул, жумладан, вояга етмаган шахсни диний ташкилотга жалб қилиш ҳаракати вояга етмаган шахс диний ташкилотга жалб этилган вақтдан бошлаб жиноят тамом бўлган ҳисобланади, бизнингча. Агарда шахс вояга етмаган шахсни диний ташкилотга аъзо қилишга оид бир қатор ҳаракатларни амалга оширди, аммо вояга етмаган шахс диний ташкилотга аъзо бўлишдан бош тортиши натижасида қилмиш тугалланмасдан қолади. Бундай вазиятлардан ЖКнинг умумий қоидаларига

⁶⁵ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229¹-моддаси. Манба: <https://lex.uz/docs/111453>

⁶⁶ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. Махсус қисм. Рустамбоев М.Х. «Адолат» Тошкент 2016. 180-бет

асосан иш кўрилади. Ушбу масаланинг долзарблиги шундаки, ЖКнинг 58-моддаси иккинчи қисмида куйидагича: “Жиноятга тайёргарлик кўрганлик ҳамда жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун жазонинг муддати ёки миқдори ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги керак”⁶⁷, - норма мавжуд бўлиб, унда таъкидланган масала юзасидан мустасно ҳолатлар ҳам мавжуд бўлса-да, ҳаракатнинг тамомланган масаласи шахсга нисбатан жазо тайинлаша катта аҳамиятга эга. Динга ўқитиш масаласида эса, вояга етмаган шахс ўзининг ва/ёки ота-онаси ёхуд уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг ихтиёрига зид равишда камида бир маротаба ўқитилгандан сўнг ўқитган шахс ушбу жиноятни содир этган бўлади. Ушбу вазиятда ҳам ҳаракатлар содир этилган, аммо амалда ўқитилмаган бўлса, шахснинг ҳаракатлари тугалланмаган деб топилиб, умумий тартибда жавобгарлик масаласи кўриб чиқилиши лозим. Динга ўқитиш дейилганда, диний билимларга эга бўлган шахс томонидан диний билимларни, диний маросим ва хатти-ҳаракатларни ўзга шахсга ўргатишга қаратилган ҳаракатлар йиғиндисини тушунишимиз мумкин, бизнингча.

ЖКнинг 145-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони:**

- фуқароларнинг ўз фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишларига ёки фуқаролик бурчларини бажаришларига тўсқинлик қилиш билан;
- диндорлардан мажбурий йиғим ундириш ва солиқ олиш билан ёхуд шахснинг шаъни ва обрўсини камситувчи чора-тадбирлар қўллаш билан;
- диний таълим олишда ҳамда фуқаро динга нисбатан, динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмасликка нисбатан, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка нисбатан ўз муносабатини белгилаётган пайтда мажбурлаш билан;

⁶⁷ Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси, 58-модда иккинчи қисм. Манба: <https://lex.uz/docs/111453>

– шахс баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилишига сабаб бўлган диний маросимлар ўтказишни ташкил этиш билан боғлиқ диний фаолият юритишда ифодаланади⁶⁸.

Ушбу норма бир катор ҳуқуқшунос олимлар томонидан юқоридагича таҳлил этилган бўлишига қарамасдан, ушбу норма тушунарлироқ бўлиши учун қуйидагича таҳлил этилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади, бизнингча. Жумладан:

1. Фуқароларнинг ўз фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишларига ёки фуқаролик бурчларини бажаришларига тўсқинлик қилиш билан боғлиқ диний фаолият юритиш;
2. Диндорлардан мажбурий йиғим ундириш ва солиқ олиш билан ёхуд шахснинг шаъни ва обрўсини камситувчи чора-тадбирлар қўллаш билан боғлиқ диний фаолият юритиш;
3. Диний таълим олишда ҳамда фуқаро динга нисбатан, динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмасликка нисбатан, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка нисбатан ўз муносабатини белгилаётган пайтда мажбурлаш билан боғлиқ диний фаолият юритиш;
4. Шахс баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилишига сабаб бўлган диний маросимлар ўтказишни ташкил этиш кабилар.

Юқорида таъкидланган қилмишларнинг учтаси диний фаолият юритиш бўлиб, уларнинг ҳар бирида алоҳида қилмишларга оид ҳаракатларни амалга ошириш белгиланган. Тўртинчи қисмда эса, диний маросим ташкил этиш ортида шахсга енгил ёки ўртача оғирликдаги тан жароҳатлари етказилиши ҳаракати бўлиб, ушбу вазиятда диний маросим ташкил этган шахс айнан ўзи ўзга шахс баданига енгил ёки ўртача оғирликдаги тан жароҳатини етказган бўлиши мажбурий элемент ҳисобланмайди, яъни бошқа шахс томонидан тан жароҳати етказилган бўлса-да, диний маросимни ташкил этган шахс

⁶⁸ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. Махсус қисм. Рустамбоев М.Х. «Адолат» Тошкент 2016. 180-бет

юқоридаги норма билан жавобгарликка тортилиши лозим бўлади. Ушбу нормадан кўришимиз мумкинки, шахс баданига турли шаклда зарар етказишга қаратилган диний маросимларни ўтказиш қонунга хилоф ҳаракат ҳисобланади ва юқоридаги каби жавобгарликни келтириб чиқаради.

Шунингдек, диний маросимлар ўтказишни ташкил этиш шахс баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилишига сабаб бўлиш жиноятини содир этган шахснинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 105-106, 109-моддалари билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди. Шунинг учун ҳам бундай ҳаракатларни содир этган шахснинг қилмиши фақат ЖКнинг 145-моддаси 3-қисми билан малакаланиши лозим.

ЖКнинг 145-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноят кўрсатилган ҳаракатлар содир этилган вақтдан бошлаб, оқибатларидан қатъи назар, **туғалланган** деб топилади, диний маросимлар ўтказишни ташкил этиш шахснинг баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилишига сабаб бўлиши бундан мустасно, чунки бу ҳолатда оқибат келиб чиққандан кейин жиноят **туғалланган** ҳисобланади⁶⁹. Ушбу нормада таъкидланган шахс баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилишига сабаб бўлган диний маросим ташкил этиш ҳаракати, унинг оқибати ҳамда улар ўртасидаги сабабий боғланиш мавжуд бўлмаса, шахсни жиноят содир этган деб топиш мумкин эмас. Чунки юқорида таъкидланган элементлар бор ёки йўқлиги квалификацияга таъсир этади, масалан, ижтимоий хавfli қилмиш мавжуд, аммо оқибат мавжуд бўлмаса, шахснинг ҳаракатлари ЖК 25, 145-модданинг 3-қисми билан, оқибат мавжуд бўлса, фақат ЖК 145-модда 3-қисми билан квалификация қилиниши, башарти қилмиш ҳамда оқибат ўртасида сабабий боғланиш мавжуд бўлмаса, бундай вазиятда шахснинг ҳаракатлари ЖКнинг 145-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноят билан малакаланмаслиги лозим.

⁶⁹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. Махсус қисм. Рустамбоев М.Х. «Адолат» Тошкент 2016. 180-бет

Юқорида таъкидлаб ўтилган жиноятлар фақат қасд орқали содир этилувчи жиноятлар сафига кириши билан характерланади. Яъни, ушбу жиноятни содир этган шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англайди ва шундай қилмишни содир этишни истайди. Бундан фақатгина 3-қисмнинг сўнгги бандида таъкидланган қуйидагича: **“шунингдек диний маросимлар ўтказишни ташкил этиш шахс баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилишига сабаб бўлиш”**, - жиноят мустасно бўлиб, фақатгина ушбу ижтимоий хавфли қилмиш тўғри ёки эгри қасддан содир этилган деб баҳо бериш мумкин.

ЖКнинг 17-моддасига кўра, 145-моддада белгиланган жиноятни содир этган шахсни жавобгарликка тортиш учун у 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс бўлиши лозим⁷⁰. Ушбу жиноят учун жавобгарлик шини белгилашда баъзи номувофиқликлар мавжуд. Жумладан, вояга етмаган шахс **диний ташкилотнинг қонуний фаолиятига ёки диний маросимларни ўтказишга тўсқинлик қилиш** жиноятини содир этилиши мантиққа зид ҳаракат ҳисобланади. Чунки, одатда диний ташкилотнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик асосан қонунни билмайдиган ва/ёки хурмат қилмайдиган давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан содир этилишига эътибор қаратсак, ушбу тоифадаги шахсларнинг ёши 18 ёшдан кам эмаслигини кузатишимиз мумкин.

Шунингдек, **вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, худди шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитиш** жинояти фақат вояга етган шахслар томонидан содир этилиши мумкин. Шунинг учун ушбу жиноят содир этиш ёшини 18 ёш сифатида белгилаб қўйилиши асосли ҳисобланади.

Бундан ташқари, ушбу жиноятни содир этишда давлат органларининг мансабдор шахсларининг ўз лавозим ваколатлари доирасидан четга чиқиш

⁷⁰ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 17-модда. Манба: <https://lex.uz/docs/111453>

асосий омил бўлаётганлиги туфайли шахсни жиноят содир этганликда айблашда ЖКнинг 205-206-моддалари (мос равишда) ҳамда 145-моддаси тартибида жиноятлар жами сифатида квалификация қилишга олиб келмоқда. ЖКнинг 145-моддасида таъкидланган учта махсус жиноятни алоҳида-алоҳида моддалар шаклида баён этилганда уларнинг иккинчи қисмига мансабдор шахслар томонидан содир этилганда жавобгарликни белгиловчи нормани киритиш орқали шахснинг бир қилмиши учун иккита модда билан жавобгарликка тортиш каби қийинчиликларга барҳам берилишига эришиш мумкин.

Жиноий қилмишни Жиноят кодекс Махсус қисмининг маълум бир моддасида назарда тутилган жиноят сифатида малакалаш ва ушбу модда билан шахсни айблаш учун жиноятнинг барча таркибий элементлари мавжуд бўлиши лозим. Шу талабдан келиб чиққан ҳолда юқорида ЖКнинг 145-моддасида назарда тутилган жиноятнинг таркиби атрофлича таҳлил этилди.

Таҳлил натижаларидан келиб чиққан ҳолда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу моддада назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмиш содир этилган ҳар бир ҳолатга индивидуал ёндашган ҳолда қарор қабул қилиш лозим бўлади. Терговга қадар текширув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси даврида аниқланиши лозим бўлган ҳолатларнинг айримлари аниқланмасдан қолиши, бу каби жиноятлар содир этилиши такрорийлигини ошириш билан бирга қилмиш нотўғри квалификация қилинишига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

2.2 Виждон эркинлигини бузиш билан боғлиқ жиноятларни квалификация қилишдаги муаммолар ва уларнинг ечими

Фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий нормалардан бири сифатида ЖКнинг 145-моддасини келтириб ўтишимиз мумкин. Аммо ҳар доим ҳам фуқароларнинг ҳуқуқлари таъминлаш мақсадида масъул ваколатли шахслар томонидан фуқароларнинг бузулган ҳуқуқлари жинойий-ҳуқуқий тарзда ҳимоя қилинмаслигининг сабаби ушбу моддага асосан шахсни жавобгарликка тортиш билан боғлиқ бир қатор тизимли муаммолар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Президентининг муаммоли вазиятни бартараф этиш йўлига берган қуйидагича: “Бугунги кунда ислоҳотларимиз самараси кўп жиҳатдан тўртта муҳим омилга – яъни, қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши қатъий курашиш, институционал салоҳиятни юксалтириш ва кучли демократик институтларни шакллантиришга боғлиқ”⁷¹, - баҳосига асосланган ва ушбу фикрларни қўллашни мақсад қилган ҳолда дастлаб муаммоларни аниқлаб олиш ва унга сабаб бўлган омилларни таҳлил этиш ва натижада жамият учун ижобий хулосага келиш, ушбу хулоса орқали жамият ҳаётини янада яхшилашга оид бир қатор таклифлар бериш мақсадга мувофиқ. Ушбу параграфда бу каби муаммолар ҳамда ушбу муаммоларни ечишга қаратилган назарий ва амалий таклифларни баён этишга ҳаракат қилинади.

Дастлаб, ЖКнинг 145-моддасида назарда тутилган жиноятни квалификация қилишда вужудга келадиган муаммоларга тўхталсак, мақсадга мувофиқ бўлади, бизнингча.

Ушбу тоифага кирувчи муаммолар сифатида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим, жумладан:

Биринчидан, қонун устуворлигининг таъминланмасда йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар;

Иккинчидан, виктимологик муаммолар;

⁷¹ <https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

Учинчидан, қонунчиликдаги бўшлиқлар ёки бошқача айтганда қонунчиликдаги “оқ доғлар”.

Эндиги масала, юқорида таъкидланган ҳар бир ҳолатга алоҳида тўхталиш бўлиб, “қонун устуворлиги таъминланмаганлиги”дан бошласак, мақсадга мувофиқ бўлади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасидаги қуйидагича: “Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар”⁷², - нормага кўра, Ўзбекистон Республикасида Конституция ва унинг асосидаги қонунлар сўзсиз ижро этилиши лозим. Виждон эркинлиги масаласида ҳам бу принцип амал қилиши лозим. Шунингдек, Конституциянинг 31-моддасидаги қуйидагича: “*Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди*”⁷³, - нормага кўра, Ўзбекистон ҳудудида бўлган шахслар учун виждон эркинлиги ҳуқуқи дахлсиз ва уни бузишга ҳеч бир шахсда, ҳатто давлат органида, унинг масъул ходимларида ҳам махсус ҳуқуқ йўқ. Шундай экан, виждон эркинлигига оид қонун ҳужжатларини бузиш ҳаракатини содир этган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 9-моддасида (айб учун жавобгарлик) ҳамда 10-моддасида (жавобгарликнинг муқаррарлиги) акс этган принциплар талабларидан келиб чиққан ҳолда жиноят ишини юритиш ва ушбу шахсларни жавобгарликка ва жазога тортиш орқали жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқлари таъминланиши лозим.

Қонун устуворлиги таъминланмаётганлигига бир қатор давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан фуқароларнинг виждон эркинлигига оид ҳуқуқларини поймол этишга қаратилган очикдан-очик

⁷² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 15-моддаси, манба: <http://lex.uz/docs/20596>

⁷³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 31-моддаси, манба: <http://lex.uz/docs/20596>

харакатига (ёки ҳаракатсизлигига), шунингдек, бу каби шахсларнинг ўз ваколат доирасида бўлмаган ишларга аралашаётганликларининг туб сабаблари идоравий ҳамда прокурор назорати каби назорат тадбирлари ўтказилмаётганлиги ва/ёки етарли даражада ўтказилмаётганлигидир. Қонун доирасидан ташқарида фақат оғзаки топшириқларга асосан мансабдор шахслар томонидан амалга оширилаётган тадбирлар натижасида фуқароларнинг ҳуқуқлари бузиб келинмоқда. Бу каби ҳолатларни исботлашдаги қийинчиликлар, шунингдек, юқори турувчи мансабдор шахс томонидан қонунбузилиш содир этган шахсни ўз ҳимоясига олиниши, жиноят иши кўзғатиш учун ЖПК талабларига зид равишда дастлабки терговни амалга оширмайдиган ижро органларидан розилик олиш амалиёти (амалда расмий тан олинмаса-да, сўнги уч йилликда ижро тизимини кучайтириш фонидан янгиноқонуний структуралар амалиётга татбиқ этилди(!)) бир қатор мансабдор шахслар (айниқса, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг масъул мансабдор шахслари)га амалда “дахлсизлик ҳуқуқи” (!) берилишига ва қонун устуворлиги принципига зид ҳолатлар пайдо бўлишига ва давр ўтиши билан бу тоифадаги ишларнинг салбий томонлар кенгайиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу масалага амалий мисоллар билан ёндашиш орқали янада яқолроқ тушунтиришга ҳаракат қилиш лозим. Жумладан, Фарғона вилояти ҳокими Ш.Ғаниевнинг вилоят ва туман миқёсидаги раҳбарлар иштирокида ўтказилаётган селектор йиғилишида рўмол масаласига тўхталиб ўтади ҳамда рўмол ўраган аёлларни йиғилишда иштирок этишини тақиқлаш тўғрисида туман миқёсидаги раҳбарларга оғзаки, шу билан биргаликда ноқонуний топшириқ бериш билан бирга, уларга таҳдид ҳам қилиши Фарғона вилоят прокуратураси, Республика Бош прокуратураси томонидан тегишли қонуний баҳо берилмаганлиги юқоридаги фикрларни тасдиқламасдан қолмайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонунинг 4-моддасига кўра, Прокуратура органлари ўз фаолиятини асосий йўналишларидан бири бу - фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда

эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш, шунингдек, ушбу қонуннинг 24-моддасига кўра, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши назорат предмети ҳисобланишига⁷⁴, бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 345-моддасининг иккинчи қисмидаги қуйидагича: “Жиноят кодексининг 97 — 103¹, 108, 116, **141 — 149**, 175, 180 — 181¹-моддаларида, 184-моддаси учинчи қисмида, 186-моддаси иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 192¹ — 192¹¹, 205 — 212, 215, 218 — 221, 230, 231-моддаларида, 232-моддаси иккинчи қисмида, 233 — 236, 241¹ — 242, 265-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича, шунингдек қонунда кўрсатилган айрим тоифадаги мансабдор шахсларнинг жиноятларига доир ишлар бўйича дастлабки тергов прокуратура органларининг терговчилари томонидан олиб борилади”⁷⁵, - норма белгиланганлигига қарамасдан, ушбу таъкидланган нормаларда белгиланган вазифалар етарлича амалга оширилмаган. Бунинг бир қатор сабаблари бўлган бўлишини инкор этмаган ҳолда Конституциянинг 118-моддасида белгиланган қуйидагича: “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади”⁷⁶, - нормага амал қилинмаганлигини кўрсатади.

Иккинчи муаммо бу – **виктимологик муаммолар** жамланмаси бўлиб, бу каби муаммоларга шахсларнинг ўз ҳуқуқлари тўғрисида етарли ахборотга эга бўлмаганлиги туфайли бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан судга,

⁷⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни. Манба: <https://lex.uz/docs/106197>

⁷⁵ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 345-модда 2-қисм. Манба: <https://lex.uz/docs/111460>

⁷⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 118-моддаси, манба: <http://lex.uz/docs/20596>

давлат органларига, нодавлат-нотижорат органларга, оммавий ахборот воситаларига, инсон ҳуқуқларини таъминлашни ўз олдига асосий мақсад қилиб олган халқаро ёки ноҳукуматлараро ташкилотларга мурожаат қилмаслиги асосий рол ўйнайди.

Бундан ташқари, Собиқ Совет Республикалари Иттифоқининг динга қарши ўтказган сиёсати ва бу сиёсат натижасида берилган қурбонлар фуқароларнинг ёдидан чиқмаганлиги туфайли ўз ҳуқуқларини талаб қилишда кўрқув мавжуд. Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил этганлиги, бу тоифадаги шахслар диний қарашлардан кўра дунёвий қарашларга асосланган ҳолда тарбия беришга ҳаракат қилинганлиги ортидан уларда бу масалага деярли қизиқиш мавжуд эмас. Демак, аҳолини шартли равишда иккига бўлсак, 30 ёшдан юқори шахслар динга қизиқиш мавжуд, аммо ўз ҳуқуқларини талаб қилишдан, уларни очиқ ошқора амалга оширишдан кўрқишади; 30 ёшгача бўлган фуқаролар динга нисбатан қатъий қарашлари мавжуд эмас, бу каби ҳолатларни ўйлашни кексалик амалиёти деган хулосага келган, ҳаётда ўрнини топишга ҳаракат қилаётган шахслар гуруҳи дейишимиз мумкин. Кўрқув сақланиб қолишига 90-йиллар охири 2000-йиллар бошидаги ҳаракатлар ҳам сабаб бўлмасдан қолмаган, албатта.

Юқоридагилар билан бирга яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, бу каби ҳолатларда ҳуқуқи бузилган фуқаролар ўз ҳуқуқларини талаб қилмаслигининг яна бир сабаби шундаки, айрим шахсларнинг аралашуви ёхуд талаби натижасида исталган инстанциядаги давлат органига, шунингдек, судга қилинган мурожаат қаноатлантирилмаслиги натижасида очиқдан-очиқ нигилизм, яъни ҳолатга бефарқ қараш ҳолати куртак ёза бошлаган.

Шунингдек, аҳолининг турмуш даражаси пастлиги, ҳуқуқи бузилаётган шахслар доимий даромад манбаига эга бўлишмаганликлари туфайли суд ишни кўриб чиқиш учун оладиган давлат божини тўлашга имкониятлари мавжуд эмас. Бундан ташқари, давлат органларига қилинган мурожаатни кўриб чиқишда ўрнатилган бюрократик тўсиқлар натижасида йўқотилган вақтда ҳам ҳуқуқи бузилган шахснинг оиласи таъминланиши,

аксарият бу тоифага кирувчи шахсларда маълум бир жамғармаларнинг мавжуд эмаслиги уларга ўз ҳуқуқларини турли инстанцияларда ҳимоя қилишга имконият қолдирмайди. Ушбу ҳолатларда қилмишда жиноят аломати бўлмаган ҳолатлар назарда тутилган. Жумладан, жамоавий ибодат қилиш мақсадида диний ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказиш, ёки давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлардан бири бўлган ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита томонидан бериладиган розилик хати бериш рад этилганда судга мурожаат қилиш каби.

Виктимологик муаммолардан яна бири – бу иш берувчилар томонидан ходимларнинг виждон эркинлигига оид ҳуқуқларини бузилиши натижасида содир этилганлиги туфайли ходим ўзининг даромад манбаидан ажралишни истамаганлиги натижасида ҳеч кимга хабар бермаслиги, иш берувчининг устидан шикоят қилмаслигига олиб келади. Ҳозирги кундаги ишсизлик даражасининг юқорилиги ҳолатида фуқароларни ўз ҳуқуқларини талаб қилишда қўрқинини қоралаш мумкин эмас.

Юқорида таъкидланган муаммолар натижасида фуқаролар тегишли органларга ҳолат юзасидан хабар берилмаганлиги туфайли ушбу жиноятнинг латентлик даражаси ошиб бормоқда. Асосли ҳолатларда фуқароларнинг мурожаатлари қаноатлантириши ва бу оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши натижасида юқорида таъкидланган муаммоли ҳолатларнинг айримлари ҳал этилишига эришиш мумкин.

Таҳлил этилиши лозим бўлган навбатдаги масала – бу **қонунчиликдаги бўшлиқлар ёки бошқача айтганда қонунчиликдаги “оқ доғлар”** бўлиб, улар виждон эркинлигини таъминлашга қаратилган деярли барча номатив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланганлигининг ўзи муаммоли ҳолат сифатида баҳо берилиши мумкин.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 145-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишлар фақатгина давлат рўйхатидан ўтган диний ташкилотларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга

қаратилган бўлиб, давлат рўйхатидан ўтказилмаган диний ҳаракатнинг ёки бу ҳаракатга оид қарашларга эътиқод қиладиган шахсларнинг ҳуқуқларини бузиш юқоридаги норма билан квалификация қилинмайди. Натижада ушбу норма етарли даражада акс эттирилмаганлиги натижасида шахсларнинг ҳуқуқлари бузилиб келинаётганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу муаммоли вазиятни бартараф этиш учун юқоридаги моддага қўшимча норма киритиш ва бу ҳаракатларни (ҳаракатсизликларни) криминализация қилиш лозим бўлади.

Шунингдек, ЖКнинг 17-моддасига кўра, 145-моддада белгиланган жиноятни содир этган шахсни жавобгарликка тортиш учун у 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс бўлиши лозим⁷⁷. Ушбу жиноят учун жавобгарлик ёшини белгилашда баъзи номувофиқликлар мавжуд. Жумладан, вояга етмаган шахс **диний ташкилотнинг қонуний фаолиятига ёки диний маросимларни ўтказишга тўсқинлик қилиш** жиноятини содир этилиши мантиққа зид ҳаракат ҳисобланади. Чунки, одатда диний ташкилотнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик асосан қонунни билмайдиган ва/ёки хурмат қилмайдиган давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан содир этилишига эътибор қаратсак, ушбу тоифадаги шахсларнинг ёши 18 ёшдан кам эмаслигини кузатишимиз мумкин.

Шунингдек, **вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, худди шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитиш** жинояти фақат вояга етган шахслар томонидан содир этилиши мумкин. Шунинг учун ушбу жиноят содир этиш ёшини 18 ёш сифатида белгилаб қўйилиши асосли ҳисобланади.

Бундан ташқари, виждон эркинлигини бузиш жиноятни содир этишда давлат органларининг мансабдор шахсларининг ўз лавозим ваколатлари доирасидан четга чиқиш асосий омил бўлаётганлиги туфайли шахсни жиноят содир этганликда айблашда ЖКнинг 205-206-моддалари (мос равишда) ҳамда

⁷⁷ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 17-модда // [Электрон манба] URL: <https://lex.uz/docs/111453>

145-моддаси тартибида жиноятлар жами сифатида квалификация қилишга олиб келмоқда. ЖКнинг 145-моддасида таъкидланган учта махсус жиноятни алоҳида-алоҳида моддалар шаклида баён этилганда уларнинг иккинчи қисмига мансабдор шахслар томонидан содир этилганда жавобгарликни белгиловчи нормани киритиш орқали шахснинг бир қилмиши учун иккита модда билан жавобгарликка тортиш каби қийинчиликларга барҳам берилишига эришиш мумкин. Шунингдек, бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлашда (ЖКнинг 59-моддаси тартибида) ягона амалиётнинг йўқлиги натижасида йўл қўйилаётган камчиликларни ҳам четлаб ўтиш орқали одиллик принципи (ЖКнинг 8-моддаси) талабларига риоя этилишига ҳам эришиш мумкинлиги бир неча жиноятлар билан жавобгарлик белгилашдан кўра бир жиноятни оғирлаштирувчи нормасига кўра жавобгарликка тортиш ҳам жиноят содир этган шахс учун, ҳам суд ва дастлабки терговни амалга оширувчи ваколатли органлар учун енгиллик олиб келишини кўришимиз мумкин. ЖКнинг 145-моддасида таъкидланган жиноятларни ҳар бирини алоҳида модда сифатида прим шаклида, яъни 145¹⁻²-моддалар сифатида белгиланиши уларнинг ҳар бирига иккинчи қисм киритишга ва унда **“мансабдор шахс томонидан содир этилса”**, - шаклидаги банд орқали масалага ечим топиш мумкин.

Шунингдек, ЖКнинг 145-моддасида оғирлаштирувчи ҳолатлар белгиланмаганлиги ҳам ушбу жиноятга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи татбиқ этилмасдан қолаётганлигининг сабабларидан бири бўлганлиги туфайли муаммо деб баҳоланиши мумкин. Бу тоифага кирувчи ҳолатларга юқорида таъкидланган мансабдор шахслар томонидан содир этилиши билан биргаликда, такроран содир этилиши ҳамда бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилиши каби ҳолатларнинг ҳам қўшилиши ҳолатни аниқ ва атрофлича ўрганилишига ва жиноят содир этилишида иштирок этган ҳар бир шахсга нисбатан адолатли ва қонуний жазо тайинланишига эришиш мумкин. Такрорийлик масаласи тушунарли бўлса-да, иштирокчилик масаласига қўшимча тўхталиш мақсадга мувофиқ.

Ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам Жиноят кодекси Махсус қисмининг бажарувчини жавобгарликка тортиш белгиланган моддаси бўйича жавобгарликка тортилиши лозим деган нормага (ЖКнинг 30-моддаси 1-қисми) кўра бажарувчининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ЖКнинг 145-моддаси билан, қолган иштирокчиларнинг қилмиши эса, ЖКнинг 145-моддасига қўшимча равишда ушбу кодекснинг 28-моддаси билан ҳам малакаланади. Шунингдек, ЖКнинг 58-моддасида акс этган қуйидагича: “Иштирокчиликда содир этилган жиноят учун жазо тайинлашда суд ҳар қайси айбдорнинг жиноятда иштирок этганлик хусусияти ва даражасини ҳисобга олади. Ҳар қайси иштирокчининг шахсига тегишли бўлган енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар суд томонидан фақат шу иштирокчининг ўзига жазо тайинлашда ҳисобга олинади”⁷⁸, - норма ва ЖКнинг бошқа бошқа талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳар қандай ҳолатда ҳам суд ЖКнинг 145-моддаси 1-қисмида назарда тутилган санкция доирасидан ортиқ жазо тайинлаш ҳуқуқи мавжуд бўлмайди. Агарда бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилиш ҳолатини оғирлаштирувчи норма сифатида иккинчи қисмга киритилиши судга вазиятга мос тушадиган адолатли ва қонуний ҳукм орқали жазо тайинлаш имкониятини беради. Шунингдек, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирилган ҳолда содир этилган жиноят учун ва яқка шахс томонидан содир этилган жиноят учун бир санкция доирасида жазо тайинланиши тенглик ҳуқуқининг поймол этилиши деб баҳоланиши мумкинлигига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Қонунчиликдаги бўшлиқлардан яна бири сифатида яна шуни ҳам таъкидлаб ўтишимиз лозимки, амалдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 409-сонли 2018 йил 31 майда қабул

⁷⁸ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 58-модда // [Электрон манба] URL: <https://lex.uz/docs/111453>

қилинган Қарорига кўра, ҳужжат номидан ҳам кўриниб турганидек, диний ташкилот фаолияти тўхтатилиши мумкин эмас, фақатгина тугатилиши мумкин. Бартараф этиш мумкин бўлган вазиятларда диний ташкилотни тугатиш ишларини амалга оширишдан кўра, бундай ҳолатлар бартараф этилгунга қадар диний ташкилот фаолияти тўхтатиб турилиши барча учун ортиқча ишдан халос бўлиш усули сифатида баҳо берилиши лозим. Ушбу вазиятда тугатиш ишлари суд томонидан эмас, балки рўйхатдан ўтказган орган томонидан амалга оширилишини ҳисобга олган ҳолда амалда фаолиятни тўхтатиб туриш тартибини ишлаб чиқиш ва амалиётга жалб қилиш фуқароларнинг жамоавий тартибда ибодат амалларини бажаришлари учун вужудга келиши мумкин бўлган тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, диний ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказишда айниқса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита томонидан берилиши лозим бўлган розилик хатини бериш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 26.09.2018 йилда қабул қилинган 1-сонли “Диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун розилик бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори (ҳужжат Адлия вазирлиги томонидан 3071-сонли рақам билан 27.09.2018 йилда рўйхатга олинган) билан тасдиқланган Низомнинг 5-бандига кўра, диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш учун лозим бўладиган розилик хатини олиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар қаторига ***диний ташкилот атрофидаги яқин диний ташкилотлар билан оралиқ масофа ҳақида аниқ маълумот*** ҳам киритилган бўлса-да⁷⁹, Низомда бу орқали қандай мақсад кўзда тутилганлигини тасдиқловчи бирор бир норма ўз аксини топмаган. Шунингдек, ёндош ҳудудлардаги диний ташкилотлар билан масофа қанчагача бўлса, бу каби

⁷⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 26.09.2018 йилда қабул қилинган 1-сонли “Диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун розилик бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори (ҳужжат Адлия вазирлиги томонидан 3071-сонли рақам билан 27.09.2018 йилда рўйхатга олинган) билан тасдиқланган Низомнинг 5-банди

маълумот ким томонидан тақдим этилмаса, Қўмита томонидан розилик хати берилмаслиги аниқ ифодаланмаган. Натижада эса ушбу талаб этилаётган ҳужжат фақат бюрократик тўсиқ сифатида ўйлаб топилган деган хулосага келганлигимиз сабабли ушбу талабни Низомдан чиқарилиши Конституция устуворлигини таъминлашга қаратилган қадамлардан бири бўлиб қоларди.

Виждон эркинлигига оид ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатларидаги ўзаро қарама-қаршилик ҳолатлари мавжуд бўлиб, жумладан, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддасига кўра, Диний ташкилот фаолиятини тугатиш тўғрисидаги қарор уни рўйхатга олган орган томонидан қабул қилиниши белгиланган бўлса-да⁸⁰, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 409-сонли 2018 йил 31 майда қабул қилинган Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 21-банди иккинчи қисмидаги қуйидагича: “Диний ташкилот ўз ташаббусига кўра унинг юқори органи қарорига биноан ёки «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари ва ушбу Низом талабларига диний ташкилот томонидан риоя қилинмаган тақдирда суд тартибида тугатилиши мумкин”⁸¹, - нормага кўра, суд томонидан тугатилиши белгиланган. Юқорида келтирилган ҳар иккала норма ҳам кучда эканлигидан кўришимиз мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий

⁸⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддаси / манба: (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 99-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 513-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон)

⁸¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 409-сонли 31.05.2018 йилда қабул қилинган Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 21-банди иккинчи қисми (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.06.2018 й., 09/18/409/1296-сон)

хужжатлар тўғрисида”ги Қонуни талабларидан келиб чиққан ҳолда Вазирлар Маҳкамаси қарори билан фуқароларнинг аҳволини яхшилашга қаратилган норма акс этган бўлишига қарамасдан Қонун талабларига риоя этиш қонуний бўлади. Аммо бу фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келади. Эътиборли жиҳати шундаки, диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш ваколати адлия органларига тегишли эканлигидан келиб чиқиб, ушбу вазирликнинг асосий вазифаларидан бири бу мамлакатда ягона ҳуқуқий сиёсат юритилишини таъминлаш эканлигини нечоғлик амалга ошираётганлигини билишимиз мумкин.

Виждон эркинлиги юқорида таъкидланган айрим ҳолатлар билан бир вақтнинг ўзида айнан Конституцияга зид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш орқали ҳам бузулиб келинаётганлиги тан олишда қийинчиликлар туғдирса ҳам ҳақиқатдир.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддасидаги қуйидагича: “Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг (диний ташкилотларнинг хизматидагилар бундан мустасно) жамоат жойларида ибодат либосларида юришларига йўл қўйилмайди”⁸², - нормага кўра, фуқаролар жамоат жойларида ибодат либослари билан юришларига йўл қўйилмаслиги белгиланган бўлиб, ушбу нормани бузган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 184¹-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг (диний ташкилотларнинг хизматидагилар бундан мустасно) жамоат жойларида ибодат либосларида юришлари маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати ҳисобланиб, ҳуқуқбузарлик содир этилган шахсни энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олиш⁸³ каби маъмурий жазолардан бири билан

⁸² Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддаси / манба: (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 99-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 513-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон)

⁸³ Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси 184¹-моддаси <https://lex.uz/docs/97664>

жазоланиши белгиланган. Ваҳоланки, бундай тартиб чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар учун татбиқ этилмаслиги, фақатгина Ўзбекистон фуқаролари учун жорий этилганлиги Конституцияга ҳамда 01.05.1998 йилда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддаси 5-қисмида ўз аксини топган қуйидагича: “Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда виждон эркинлиги ва диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқидан фойдаланадилар ҳамда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўладилар”⁸⁴, - норма талабларига зид қонун ҳисобланади. Бундан ташқари, Ушбу нормалар Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 18-моддаси, 3-бандига кўра, дин ёки эътиқодга сиғиниш эркига фақат қонун билан белгиланган ва жамоат хавфсизлигини, тартибини, саломатлиги ва ахлоқни сақлаш учун, шунингдек, бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркини муҳофаза этиш учун зарар бўлган чекловлар билангина дахл қилиш мумкинлиги⁸⁵ баён этилган норма талаблари доирасида бўлмаганлиги ва бирор бир эълон қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатда қандай тоифадаги либослар ибодат либослари эканлиги белгилаб берилмаганлиги, Конституциянинг 31-моддасида таъкидланган ҳуқуқларни чеклашга қаратилганлиги туфайли Конституциянинг устиворлиги принципига қарши норма ҳисобланади.

Юқорида келтириб ўтилган муаммолар мавжудлиги туфайли Ўзбекистонда виждон эркинлиги ҳуқуқини таъминлашда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда айрим қийинчиликлар вужудга келмоқда. Ушбу муаммоли вазиятларга барҳам бериш учун, барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Конституциянинг 31-моддасига ва халқаро ҳужжатлар (албатта, ратификация қилинганлари)га мослаштирган ҳолда қайтадан кўриб чиқиш,

⁸⁴ Юқоридаги Қонуннинг 8-моддаси 2-қисми. Манба: ўша жойда.

⁸⁵ Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 18-моддаси, 3-банди.

Манба: <https://kasaba.uz/wp-content/uploads/2015/06/%D0%9F%D0%B0%D0%BA%D1%82-1.pdf>

ЖКга тегишли ўзгартиришларни киритиш ва энг муҳими қонун устуворлигини таъминлаш лозим бўлади.

3. ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИНИ БУЗГАНЛИК ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ:

3.1 Хорижий мамлакатларда виждон эркинлигини бузганлик учун жиноий жавобгарликни белгилаш амалиёти ва миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалалари

Виждон эркинлигига оид қонун ҳужжатлари ва бу каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган ҳолда шаклланган амалиёт ҳам бутун дунё бўйича турлича шаклланган бўлиб, бири иккинчисини такрорламаслиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Мамлакатимиз қонунчилиги билан тартибга солинган ижтимоий муносабатлар кундан-кунга ривожланаётганлиги туфайли ҳам хориж давлатларининг тажрибаларини ўрганиш ва ундаги ижобий амалиётни ўзлаштириш ва натижада соҳада вужудга келган, келаётган ва келиш эҳтимоли бўлган муаммоли вазиятларни бартараф этиш имконияти мавжуд. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда айрим Европа давлатлари, шунингдек, виждон эркинлиги соҳасида маълум бир ютуқларга эришган ёки айрим муаммоли вазиятларга учраган давлатларнинг қонунчилигига ва амалиётига тўхталиб ўтишни лозим деб ҳисобладик.

Жумладан, Германия жинойт кодексининг 11-бўлими дин ва бошқа қарашларга оид жинойтлар деб номланган бўлиб, ушбу бўлимда виждон эркинлиги ҳуқуқни бузилишига оид бир қатор жинойтлар санаб ўтилган. Бинобарин, ЖКнинг 166-моддасига кўра, кимдир ўзга динга ёки бошқа ғояларга ишонувчи шахс ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни ёзма равишда тарқатса ва унинг бу ҳаракати туфайли жамоат тинчлигига путур етса, ушбу ҳаракатни содир этган шахс уч йилдан кам бўлмаган озодликдан маҳрум қилиш ёки жарим каби жазолардан бири билан жазоланиши лозим. Шунингдек, ушбу модданинг иккинчи қисмига кўра эса, худди шу ҳаракатлар ибодатхоналар ва Германия ҳудудида жойлашган диний ёки ғоявий ташкилотларга қарши қаратилган ҳолда амалга оширилиб, жамоат тинчлигини бузилишига сабаб бўлса, юқоридаги тартибда жазоланиши белгиланган.

167-моддага кўра, ибодатхона ёки Германияда жойлашган диний ёки гоёвий ташкилотнинг диний хизмати ўтказилиши ёки диний ҳаракати амалга оширилиши режалаштирилган ҳолда ҳамда амалга оширилиши белгиланган ҳолатлардан ташқари ҳолатда тўхтатилишига ёки юқорида таъкидланган диний ташкилотлар томонидан ўтказилаётган диний ибодат вақтида ўзгаларнинг обрўсини тўкишга қаратилган ҳақиқатга тўғри келмайдиган ҳаракатларни амалга ошириш ҳам 3 йилдан кам бўлмаган озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима жазоларидан бири билан жазоланади.

Бундан ташқари, юқоридаги кодекснинг 167А-моддасига кўра, агар кимда-ким дафн маросими ўтказилишини қасддан ёки билан ҳолда бузишга сабаб бўлган ҳаракатни амалга оширса, уч йилдан кам бўлмаган озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима жазосидан бири билан жазоланиши белгиланган.

Юқоридагилар билан бирга яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ушбу кодекснинг 168-моддасидаги ҳаракат билан марҳумнинг танаси ёки тан қисмларини, ҳомила ёки ҳомиланинг қисмларини, ўлган инсоннинг кулини дафн этилган жойдан олиш ёки уларни бошқача усулда таҳқирлаш жиноят деб топилади ҳамда уч йилдан кам бўлмаган озодликдан маҳрум этиш ёки жарима билан жазоланади. Шунингдек, ушбу модданинг иккинчи қисмига кўра, марҳумнинг танаси ётган жойни, куйдирилган монументни, жамоавий мақбарага зарар етказилса ёки бу каби жойлар таҳқирлаш мақсадида бузилса ҳам юқоридаги каби жазолар билан жазоланиши белгиланган⁸⁶. Ушбу моддада таъкидланган жиноятнинг муқаддам келтирилганларидан фарқли жиҳати шундаки, 168-моддада назарда тутилган жиноятлар тугалланмаган бўлса ҳам, яъни суиқасд учун ҳам жазога сазоворлик ҳолати моддада аниқ белгилаб қўйилган. Бундан кўринадики, қабрни таҳқирлашга қаратилган хатти-ҳаракатлар учун ҳаракат тугалланган бўлиши шарт эмас.

⁸⁶ The German Criminal Code / Chapter eleven / 166-168 articles / source: The Federal Ministry of Justice in cooperation with juris GmbH
https://www.legislationline.org/download/id/6115/file/Germany_CC_am2013_en.pdf

Виждон эркинлигини бузишга оид ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган давлатлар таҳлилини давом эттирган ҳолда Европада илғор қонунчилик тизимига эга бўлган Финландия ЖКга тўхталишни лозим деб ҳисоблаймиз. Жумладан, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг 17-бобининг 10-қисмига кўра, диний жамоа ёки ибодатхона томонидан ҳурмат қилинадиган масалалар юзасидан, шунингдек, Худога қарши ёлғон маълумотларни очикдан-очик тарқатиш; диний ибодат ёки бошқача шаклдаги диний фаолиятга, шунингдек, дафн маросими ўтказилишига баланд овоз чиқариш, кўрқитиш ёки бошқа усуллардан фойдаланган ҳолда халақит бериш бу – шахснинг диний ҳуқуқларини бузиш ҳисобланади ҳамда жарима ёки олти ойдан кўп бўлмаган озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазолардан бири билан жазоланади. Шунингдек, ушбу бобнинг 11-қисмига кўра эса, ибодат қилишга қаршилик қилиш жиноят деб топилиши белгиланган бўлиб, жумладан, шахс кучдан фойдаланган ҳолда ёки бу билан кўрқитиб ибодатхона ёки бошқа диний ташкилот томонидан амалга оширилаётган диний маросимни ўтказилишига ёки бошқаларнинг ибодат қилишига қаршилик қилса, жарима ёки кўпи билан икки йилгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазолардан бири билан жазоланиши мумкин. Ушбу жиноятга суиқасд қилиш ҳам жазога сазовор қилмиш ҳисобланади.

Бундан ташқари, юқоридаги бобнинг 12-қисмида қабрни таҳқирлашга қаратилган ҳаракатларни жиноят деб топиш белгиланган бўлиб, ушбу ҳаракатлар қуйидагиларни ташкил этади, жумладан, ноқонуний равишда қабрни очиш, танани ёки тана аъзоларидан бирини, тобутни, куйдирилган кул солинган идишни олиш; ўлган инсон танасини жиноий йўллар билан сотиш; қабрга ёки ўлган инсон мақбарасига нисбатан ҳурматсизлик кўрсатиш ёки уларга зарар етказиш. Ушбу хати-ҳаракатларни ёки улардан бирини содир этган шахс жарима ёки кўпи билан бир йил муддатга озодликдан маҳрум

қилиш тарзидаги жазолардан бири билан жазоланиши ҳам юқоридаги моддада назарда тутилган⁸⁷.

Янги Зеландия Жиноят қонунининг 123-моддасига кўра, худони ёки динни таҳқирлашга қаратилган ҳар қандай ёлғон материални чоп этиш бир йилдан кам бўлмаган озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган бўлиб, ушбу модданинг кейинги қисмларида бунга оид қўшимча тартиблар келтириб ўтилганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, чоп этилган исталган материалдаги маълумотлар дин ёки худони таҳқирлашга қаратилганлиги ёки бундай эмаслиги аниқланиши лоозим бўлган асосий масала ҳисобланади. Ушбу модданинг 3-қисмида исталган диний қарашга нисбатан ўзининг шахсий фикрини билдириш, динга муносабатни ижобий сўзлар билан ифодалаш жиноят деб ҳисобланмаслиги белгилаб берилган. Биз томонимиздан таъкидланаётган жиноят юзасидан иш юритиш фақатгина Бош прокурорнинг қарорига асосан давом эттирилиши мумкин⁸⁸. Яъни Бош прокурорнинг розилиги билангина давлат айблови қўллаб-қувватланиши мумкин.

Ушбу муносабатларни жиноий хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш учун Канада Жиноят кодекси (Федерал)га махсус норлар киритилган бўлиб, жумладан, 176-моддасига кўра, кимда ким қуйидаги ҳаракатлардан камида бирини содир этса, айбдор деб топилиб, икки йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо билан жазоланади:

Диний ёки бошқа қарашларга оид хизматлар кўрсатаётган ходимга нисбатан унинг ҳаракатларини тўхтатиш, унга қарши ҳаракат қилиш ёки ушбу ҳаракатларга суиқасд қилиш; диний ташкилот ходимига ўзининг хизмат вазифаларини бажараётган вақтида жисмоний шикаст етказиш ёки бунга ҳаракат қилиш; Диний ибодат ёки ахлоқий, ижтимоий ёки бошқа ижобий

⁸⁷ Criminal Code of Finland. 39|1889 and amendments up to 766|2015 included – Финландия Жиноят кодекси 1889 йилда 39-сон билан қабул қилинган ҳамда 2015 йилдаги 766-сонли қонун билан ўзгартириш киритилган вариантдан фойдаланилди.

https://www.legislationline.org/download/id/6375/file/Finland_CC_1889_am2015_en.pdf

⁸⁸ Crime act 1961. 01.11.1961 / No 43 / article 123/ 24.03.2020 reprinted.

<http://www.legislation.govt.nz/act/public/1961/0043/latest/DLM327382.html>

мақсадларда фуқароларнинг йиғилишларига қаршилик қилиш, ёки бунга ҳаракат қилиш; Юқорида таъкидланган йиғилишларнинг ичида ёки унга яқин жойда қасдан тартибни бузиш, жиддийликни сақламаслик каби ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар⁸⁹. Ушбу норманинг ўзига хос жиҳати шундаки, жамоат тартибни қасдан бузувчи шахс айнан йиғин ўтказаятган ташкилотга аъзо бўлган шахслар томонидан содир этилса ҳам жазога сазовор қилмиш деб баҳоланишидир. Бундай вазиятларни ҳал этиш диний ташкилотнинг ички иши сифатида баҳоланмасдан, балки давлатнинг мажбурлов кучи томонидан ҳал этилиши ушбу ташкилотнинг бошқа аъзоларининг эркин эътиқод қилиш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда амалий ёрдам ҳисобланади. Бундан ташқари, юқоридаги норма орқали давлат барча диний ёки диний бўлмаган қарашларга тенг муомалада бўлаётганлигини диний ёки диний бўлмаган йиғилишларга қаршилик қилганлик учун бир хил жавобгарлик ва жазо белгиланганлигидан билишимиз мумкин.

Бизга маълумки, Канада федерал давлат ҳисобланади. Шунинг учун Канада штатларидан бири бўлган Куэнсланд штатида виждон эркинлигига оид фундаментал ҳуқуқларни бузилишдан ҳимоя қилувчи норма ҳисобланган Куэнсланд жиноят кодексининг 206-207-моддаларига тўхталиб ўтишни жоиз деб ҳисобладик. Жумладан, кодекснинг 206-моддасига кўра, диний ташкилот ходими томонидан диний ибодат ёки дафн маросим ўтказилаётган вақтда унинг ушбу ҳаракатларига қаршилик қилиш ёки қаршилик қилиш билан кўрқитиш ёхуд бунга ҳаракат қилиш; диний ташкилотнинг қонуний мажбуриятларини бажаришга қаршилик кўрсатиш ёки қаршилик кўрсатиш билан кўрқитиш шунингдек, бунга ҳаракат қилиш; диний идора ходими жиноят содир этган шахс ҳақида маълумот бермаганлиги туфайли озодликдан маҳрум этилиши, жароҳатланишига, фуқаровий тартибда жавобгарликка тортилишига сабаб бўлган ҳаракатни содир этиш унча оғир бўлмаган жиноят

⁸⁹ Criminal Code (federal) of Canada. Chapter C-46. Include 2019 Chap. 25 amendments. Published by Quickscribe Services Ltd. <https://laws-lois.justice.gc.ca/eng/acts/c-46/?wbdisable=true>

деб ҳисобланиб, икки йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасида жазоланиши белгиланган⁹⁰.

Шунингдек, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг 207-моддасига кўра, кимдир олдиндан режалаштирган ҳолда ҳамда сабабсиз ва ноқонуний равишда диний ибодат учун йиғилган қонуний йиғилишни ўтишига халақит берса, уларни хавотирлантирса, ёлғон далиллар билан алдаса, ушбу йиғилишда иштирок этаётган шахсларга жароҳат етказса, ушбу шахс жиноят содир этишда айбдор деб топилади ҳамда икки ойлик озодликдан маҳрум қилиш ёки 10 Канада доллари миқдорида жарима тўлаш жазоларидан бири билан жазоланади⁹¹.

XXРнинг Жиноят Кодексининг 251-моддасига кўра, давлат органининг ваколатли вакили томонидан этник ёки диний гуруҳнинг урф-одат ёки анъанасига қарши равишда уни бузишга қаратилган ҳаракати ёки фуқароларнинг динга муносабатига нисбатан ноқонуний чеклаши, агарда вазият жиддий бўлса, икки йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш (fixe-term) ёки озодликни чеклаш жазоларидан бири билан жазоланиши белгиланган⁹². Ушбу давлат тажрибасидаги алоҳида жиҳат шундаки, юқорида таъкидланган жиноят учун фақатгина давлат органларининг масъул мансабдор шахсларигина жавобгарликка тортилиши мумкин, яъни ушбу қилмишлар оддий фуқаролар ёки хусусий секторда ишловчи фуқаролар томонидан содир этилиши ушбу модда билан жавобгарлик келтириб чиқармайди.

Юқорида бир қатор дунёвий давлатларнинг жиноий-ҳуқуқий тизимига назар солдик. Мавзуни янада чуқур ўрганиш мақсадида Ислом қонунчилигига асосланган давлатнинг Жиноят кодексини ўрганиш ва бу орқали масалага бир тарафлама ёндашиш каби камчиликни бартараф этишга ҳаракат қилишни

⁹⁰ Criminal code act 1899 Queensland . Current as at 26 February 2020. Article 206. <https://www.legislation.qld.gov.au/view/pdf/inforce/current/act-1899-009>

⁹¹ Юқоридаги манба.

⁹² Criminal Law of the People's Republic of China. Article 251. This law adopted at the second session of the Fifth National People's Congress on July 1, 1979. <https://www.ilo.org/dyn/natlex/docs/ELECTRONIC/5375/108071/F-78796243/CHN5375%2520Eng3.pdf>

лозим топдик. Жумладан, Покистон Ислон Республикасининг (матнда ПИР деб давом эттирилади) Жиноят Кодексида ушбу масалага оид махсус 15-боб киритилган бўлиб, унда бир қатор ҳаракат ёки ҳаракатсизликлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Жумладан, ушбу кодекснинг 295-моддасига кўра, бошқа шахсларнинг динига зарар етказишга қаратилган ҳолда бошқа динга эътиқод қилувчи шахсларнинг муқаддас жойларига, ибодатхоналарига қасддан зарар етказиш ёки уларни бузиб ташлаш каби ҳаракатларни содир этган шахс икки йиллик озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима ёхуд ҳар иккала жазо билан жазоланиши мумкин.

Ушбу кодекснинг 296-моддасига кўра, агарда шахс диний ибодат ёки диний маросим ўтказаятган қонуний ташкилотнинг фаолиятига ихтиёрий равишда ҳалақит берса, у бир йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш ки жарима жазоси ёхуд ҳар иккала жазо билан жазоланиши мумкин бўлган жиноятни содир этган деб топилиши мумкин.

Исталган кишининг диний қарашларига зарар етказишга қаратилган, исталган шахснинг динига нисбатан қўполлик қилган (оғзаки ёки амалий), исталган диний ибодатхонага ёки маданий марказига ноқонуний кириш, дафн маросим ўтказилишига қаршилик қилиш каби ҳаракатлардан бирини содир этган шахс бир йилгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум қилиниши ёки жарима ёхуд ҳар иккала жазо билан жазоланиши мумкинлиги Покистон Ислон Республикаси ЖКнинг 297-моддасида акс этганлигини кўришимиз мумкин.

Юқорида таъкидланган нормадан кейинги норма биз таҳлил этган давлатлардан алоҳида эканлиги билан ажралиб туради, яъни унга кўра, агарда шахс ўзга шахс(лар)нинг диний қарашларига зарар етказишни кўзлаб маълум бир сўзни айтиши ёки худди шу мақсадни кўзлаган ҳолда маълум бир имо-ишона қилганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиб, бир йилгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима ёхуд ҳар иккала жазо билан жазоланиши мумкин.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 298^A-моддасига кўра, кимда-ким Муҳаммад (с.а.в) пайғамбарнинг хотинларининг, оила аъзоларининг, дастлабки тўртта халифаларнинг, Муҳаммад (с.а.в) пайғамбарнинг саҳобаларининг исмларини қасддан ёхуд эҳтиётсизлик ортидан сўз (оғзаки ёки ёзма) ёки имо-ишора билан ҳурматсизлик кўрсатса, ушбу шахслар жиноят қилишда айбли деб топилиб, уч йилгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима ёхуд ҳар иккала жазо билан жазоланиши мумкин. Ушбу норма орқали фақатгина Ислом динига алоқадор бўлган шахсларга нисбатан ҳурматни сақлаб қолишга оид ижтимоий муносабатлар ҳимоя қилиниши – бу қолган динларни камситиш эканлигини, динлар ўртасида тенглик ўрнатилмаганлигини кўрсатади. Таҳлил этилаётган давлатимиз дунёвий эмас, балки диний давлат ҳисобланса-да, унинг ҳудудида Исломдан бошқа динларга ҳам эътиқод қилувчи фуқаролари, шунингдек, унинг ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ҳам ўзларининг динига нисбатан ҳурмат кўрсатилишини талаб қилиши мумкин эканлиги бир қатор халқаро ҳужжатларда акс этганлигини унутмаслик керак. ПИР ўз ҳудудида диний барқарорликни ҳамда ҳамда динлар ўртасида толерантлик анъаналарини чуқур жойлашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бўлса, юқорида таъкидланган нормани янгича таҳрирда барча динларда муқаддас деб ҳисобланган шахсларнинг номини ҳурмат қилишни талаб этадиган объектларни келтириб, амалиётга жорий этиши лозим.

Таҳлил этилаётган кодекснинг 298^C-моддаси юқоридаги нормага қараганда ҳам радикалроқ бўлиб, унга кўра, Қуадани ҳамда Лаҳар гуруҳи аъзолари бўлган шахслардан кимдир тўғридан-тўғри ёки билвосита ўзини Мусулмон динига эътиқод қилувчи сифатида кўрсатса, ўзининг диний қарашларини тарғиб қилса, бу тўғрисида нутқ сўзласа, бошқаларга уларнинг динини қабул қилишни таклиф қилса, Мусулмонларнинг диний қарашларига зарар етказадиган исталган сўзни оғзаки, ёзма ёхуд имо-ишора билан айтиши жиноий жавобгарлик келтириб чиқарувчи хатти-ҳаракат сифатида белгиланиб, жарима жазоси билан бирга уч йилгача бўлган муддатга

озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазолар билан жазоланиши мумкин⁹³. Бу модданинг келтирилиши натижасида ПИР ҳудудида бошқа динга эътиқод қилувчи фуқаролар ҳам мавжудлигини, ушбу фуқаролар ўз динини очиқдан-очиқ тарғиб қилиши жиноят ҳисобланиши, ушбу давлат ҳудудида фуқаролар тенг эканлиги қонунда таъминланмаганлигини, фуқаролар қонунлар билан дискриминация қилинаётганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу модда кодексга 1984 йилдаги Қонун⁹⁴ билан киритилганлиги 36 йилдан буён ушбу тенгсиз, адолатсиз қонунга амал қилиб келинаётганлигини билдиради.

Сўнгги вақтларда халқаро ташкилотлар томонидан эътибор қаратиб келинаётган Бирма иттифоқи (Мянма) давлатидаги ҳолат ҳам анчайин ачинарли бўлиб, ушбу давлат жиноят кодексига тўхталиш ва ушбу қонун ҳужжатида виждон эркинлигини бузиш учун жавобгарлик қоидаларини белгиланганлик масаласига алоҳида урғу беришликни лозим деб ҳисоблаган ҳолда ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг XV боби “динга оид жиноятлар” деб номланганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Ушбу кодекснинг 295-моддасига кўра, ибодатхона ёки унга тенглаштирилган жойни, шунингдек ибодат объектларини бузган, уларга зарар етказган, бирор бир шахсга унинг диний қарашлари туфайли қасддан жисмоний шикаст етказган, ёхуд шикаст етказиш билан қўрқитган, бирор бир диний қарашларни бузишга, уларга зарар етказишга қаратилган билимни тарқатган шахс икки йилга қадар озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима ёхуд ҳар иккала жазо билан жазоланади. Юқоридаги норманинг мазмуний давоми ҳисобланган 295^A-моддасига кўра эса, бирор бир дин вакиллариини жаҳлини чиқарадиган сўзларни оғзаки ёки ёзма кўринишда айтиш, имо-ишоралар билан билдириш, бошқа диний тоифанинг динига ёки диний қарашларига зарар етишига олиб келса, шахс икки йилга қадар озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима ёхуд ҳар иккала жазо билан жазоланади.

⁹³ Pakistan Penal Code (XLV of 1860) 6th October, 1860. Chapter XV – Покистон жазо кодекси 06.10.1860 йилда қабул қилинган бўлиб, тадқиқотимизда ушбу кодекснинг XV бобида акс эттирилган нормаларидан фойдаланилди. Манба: <https://www.oecd.org/site/adboecdanti-corruptioninitiative/46816797.pdf>

⁹⁴ The Anti-Islamic Activities of Quadiani Group, Lohari Group and Ahmadis (Prohibition and Punishment) Ordinance. XX of 1984. Манба: <https://www.oecd.org/site/adboecdanti-corruptioninitiative/46816797.pdf>

296-модда талабларига кўра, агарда шахс диний маросим ёки диний ибодатни жамоавий тарзда амалга оширилаётган вақтда ушбу ҳаракатларни бузишга қаратилган ҳаракат содир этса, ушбу шахс бир йил озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима ёхуд ҳар иккала жазо билан жазоланиши мумкин.

Шунингдек, Мянма Жиноят кодексининг 297-моддасига асосан, исталган шахснинг диний қарашларига ёки динига зарар етказишни ният қилган ҳолда ибодатхонага ёки унга тенглаштирилган жойга, шунингдек, инсон дафн этилган мақбара ёхуд қабрга ноқонуний равишда қирган шахс, бундан ташқари, қабрдан инсон танасини ёки унинг қисмларини қазиб олган шахс, дафн маросимини ўтказиш учун йиғилган шахсларга ушбу маросимни ўтказишларига қаршилик қилган шахс бир йилгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима ёхуд ҳар иккала жазо билан жазоланиши мумкин⁹⁵.

Юқорида таъкидланган нормалардан шуни кўришимиз мумкинки, қонун нормалари динлараро тотувликни таъминлашга қаратилган ҳолда ишлаб чиқилган. Бундай ҳулосага келишимизга сабаб юқоридаги кодекснинг бир қатор нормаларида айнан шахснинг диний қарашларига оғзаки ёки ёзма шаклда зарар етказиши мумкин бўлган ҳаракатларни тақиқлашга қаратилган. Юқорида таъкидлаб ўтилган ижтимоий хавфли қилмишлар Жазо Кодексига киритилган ва ушбу ҳаракатларни содир этган шахслар учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлишига қарамаздан айнан ушбу давлатда бошқа дин вакиллари Ислом динига эътиқод қилувчи шахсларга нисбатан уларнинг виждон эркинлигига оид ҳуқуқларини қасддан бузишга қаратилган хатти-ҳаракатлар содир бўлиб келаётганлиги бизга шуни ўргатадики, фақатгина жиноят деб топиш ва жазо бериш билангина жамиятда ижтимоий тартибни ва қонун устуворлигини таъминлаш мумкин эмас. Бу мақсадларга эришиш учун комплекс чоралар кўриш ва барча соҳаларни бирдек тартибга солиш лозим бўлади, бизнингча.

⁹⁵ Myanmar The Penal Code. Chapter XV. Article 295-297.

Манба: https://www.burmalibrary.org/docs6/MYANMAR_PENAL_CODE-corr.1.pdf

Юқорида бир қатор давлатларнинг жиноят қонунчилигида шахснинг виждон эркинлигини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланганлигини кўриб чиққан бўлсак-да, ушбу давлатларнинг ҳеч биридаги ҳолат иккинчисида такрорланмаслигини, уларнинг ҳар бирида алоҳида ўзига хосликни кўрдик. Ҳар бир давлат ўзидаги алоҳида ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда соҳага индивидуал ёндашган. Шунинг учун ҳам юқоридаги каби ижобий ва салбий тажрибаларни ўрганган ҳолда мамлакатимизда виждон эркинлигини бузиш жиноятига жавобгарликни ҳамда тайинланадиган жазони белгилашда фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари аҳамиятига ва келтирилиб чиқарилган зарарнинг миқдорига, шунингдек, қилмиш ким томонидан содир этилганлигига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим бўлади.

3.2 Виждон эркинлигини бузганлик учун жавобгарликни такомиллаштиришнинг айрим масалалари

ЖКнинг таҳлил этилаётган моддасини такомиллаштириш ишларини уч қисмга бўлишни ўз олдимизга мақсад қилиб олдик. Улар қуйидагилар бўлиб, **биринчидан**, виждон эркинлигини таъминлашга ҳамда ушбу соҳада вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган масалалар ва таклифларни таъкидлаб ўтиш жоиз бўлса, **иккинчидан**, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексда акс этган айрим ҳуқуқбузарликларни қайтадан кўриб чиқиш орқали уларни ҳозирги замон ва давлат сиёсатига мослаштириш ишларини амалга ошириш тартибига тўхталиб ўтишни, **учинчидан эса**, ЖКнинг 145-моддаси ва бошқа алоқадор моддаларининг амалдаги ҳолатини такомиллаштириш ва бу орқали жамиятда бўладиган ўзгаришлар ва ютуқларни таҳлил этишни ўз олдимизга мақсад қилиб олиш лозим. Юқорида таъкидланган қисмлардан бирор-бир қисмини амалга оширилмасдан қолиши виждон эркинлигини бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгилашда вужудга келадиган муаммоли вазиятларни бартараф этишга тўсиқ бўлиб қолаверади.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасида виждон эркинлигини таъминлашга ва ушбу соҳани тартибга солишга хизмат қилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосийси 01.05.1998 йилда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуни ҳисобланади, албатта Конституциядан ташқари. Ушбу қонун билан соҳа тартибга солинса-да, ундаги айрим нормаларнинг мавжудлиги Конституцияга ва халқаро стандартларга мос эмаслиги билан алоҳидалик касб этади. Жумладан, юқорида таъкидланган Қонунининг 14-моддасидаги қуйидагича: “Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг (диний ташкилотларнинг хизматидагилар бундан мустасно) жамоат жойларида ибодат либосларида юришларига йўл

кўйилмайди”⁹⁶, - нормага асосланган ҳолда фуқаролар жамоат жойларида ибодат либослари билан юришларига йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг (бундан сўнг матнда – МЖТК) 184¹-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг (диний ташкилотларнинг хизматидагилар бундан мустасно) жамоат жойларида ибодат либосларида юришлари маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати ҳисобланиб, ҳуқуқбузарлик содир этилган шахсни энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олиш⁹⁷ каби маъмурий жазолардан бири билан жазоланиши белгиланганлиги масаласи бўлиб, ушбу норма Конституцияга, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт талабларига зид равишда қабул қилинганлиги ва ҳозирги кунга қадар ўз кучида қолиб келаётганлиги мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисмини ташкил этадиган мусулмон аёллар томонидан ўз диний қарашларини эркин амалга ошириш шартларидан бири бўлган ҳижоб ўрашни чекланиши каби ноқонуний, нотўғри ва адолатсиз ҳолатни вужудга келтириб келмоқда. Чунки ҳижоб ибодат либосига кирмайди, у диний либос ҳисобланади.

Учинчидан, таҳлил этилаётган модда билан фақатгина диний ташкилотнинг қонуний фаолиятига қаршилик қилинганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, фуқароларнинг ўз диний қарашларини ифода этганликка қаршилик қилиш ҳаракати учун жиноий жавобгарлик белгиланмаган. Шу ўринда амалий мисол билан масалага ёндашсак, уни тушунтиришда бироз ютуққа эришган бўламиз, яъни агарда шахс диний қарашлари туфайли дини буюрган тартибда соқол қўйса ёки ҳижоб ўраса, ушбу шахсга нисбатан муносабат потенциал жиноятчига нисбатан бўладиган муносабатдан фарқ

⁹⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддаси / манба: (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 99-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 513-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон)

⁹⁷ Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси 184¹-моддаси <https://lex.uz/docs/97664>

қолмаслигини аниқ фактлар доирасида амалга оширилганлигини кўриб ўтишимиз мумкин. Буни биз Райхон Худайберганова Ўзбекистонга қарши деб номланган ва БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Қўмитасида кўриб чиқилган ишдан ҳам билишимиз мумкин. Ушбу ишда ҳам Шарқшунослик институти талабаси ҳижоб ўраганлиги туфайли, лекин “ўқитувчига ҳурматсизлик қилганлик ва Ички тартиб-қоидаларни бир неча бор оғоҳлантиришга қарамасдан бузганлиги” вазларни келтирган ҳолда ўқишдан четлатилади, талаба туман, Тошкент шаҳар ва Олий судга мурожаат этади, аммо бирор бир инстанция унинг даъвосини қаноатлантирмаганлиги туфайли у БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Қўмитасига мурожаат этади ва юқоридаги иш кўриб чиқилиб, Ўзбекистонга мажбурият юкланади⁹⁸. Ушбу вазиятда Тошкент давлат шарқшунослик институти раҳбарияти фуқаронинг виждон эркинлигини бузиш ҳаракати мавжуд, аммо мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатларини ЖКнинг 145-моддаси билан квалификация қилиш мумкин эмас, чунки бу моддада диспозициясида бу каби ҳаракатлар учун жавобгарлик белгиланмаганлиги тасодифий дейишга бизда асос мавжуд эмас. Юқоридаги каби ҳолатлар содир этилмаслиги ва такрорланмаслиги учун институт мансабдор шахслари ва шунга ўхшаш ҳаракатни содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш лозим бўлади.

Ушбу вазифани амалга ошириш учун ЖКнинг 145-моддасида таъкидланган масалаларни янада такомиллаштириш лозим бўлади. Жумладан, ЖКнинг 145-моддаси 1-қисмини қуйидагича: “, **диний қарашларни эркин ифода этишга қаршилик қилиш**”, - тарзидаги норма билан тўлдириш лозим. Натижада диний либос кийганлик, соқол қўйганлик каби диний қарашларини бажарганликка қарши ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланишига эришиш ва бу каби қилмишларни содир этган шахсларга жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи доирасида

⁹⁸ Raihon Hudaiberganova v. Uzbekistan. Human Right Committee. 82nd Session 11 October-5 November Communication no. 931/2000 05.11.2004. Ушбу вазиятда Ўзбекистон белгиланган мажбуриятни бажарганлиги ёки тескари ҳолат ҳақида маълумот топиш имконияти бўлмади. Шу сабабли масала очик қолди.
http://www.worldcourts.com/hrc/eng/decisions/2004.11.05_Hudaiberganova_v_Uzbekistan.htm

жавобгарликка тортилиши орқали шахс эркинлигини таъминлашга ҳисса қўшилган бўлар эди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, давлат фақатгина давлат рўйхатидан ўтган диний ташкилотларнинг фаолиятини тан олади ва бу ўринда ҳам фақатгина давлат рўйхатидан ўтган диний ташкилотларнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилган шахслар учунгина жавобгарлик белгиланган. Аммо ушбу нормада ўз аксини топиши лозим бўлган масала шундаки, ҳозирги кунда диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказишда бир қатор бюрократик тўсиқлар ўрнатилган бўлиб, бу билан Конституция орқали белгилаб берилган жамоавий ибодат қилиш эркинлиги чекланиб қолинаётганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, диний ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказишда айниқса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита томонидан берилиши лозим бўлган розилик хатини бериш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 26.09.2018 йилда қабул қилинган 1-сонли “Диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун розилик бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори (ҳужжат Адлия вазирлиги томонидан 3071-сонли рақам билан 27.09.2018 йилда рўйхатга олинган) билан тасдиқланган Низомнинг 5-бандига кўра, диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш учун лозим бўладиган розилик хатини олиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар қаторига диний ташкилот атрофидаги яқин диний ташкилотлар билан оралиқ масофа ҳақида аниқ маълумот ҳам киритилган бўлса-да⁹⁹, Низомда бу орқали қандай мақсад кўзда тутилганлигини тасдиқловчи бирор бир норма ўз аксини топмаган. Шунингдек, ёндош ҳудудлардаги диний ташкилотлар билан масофа қанчагача

⁹⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 26.09.2018 йилда қабул қилинган 1-сонли “Диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун розилик бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори (ҳужжат Адлия вазирлиги томонидан 3071-сонли рақам билан 27.09.2018 йилда рўйхатга олинган) билан тасдиқланган “Диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун розилик бериш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 5-банди. Манба: (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.09.2018 й., 10/18/3071/1970-сон)

бўлса, бу каби маълумот ким томонидан тақдим этилмаса, Қўмита томонидан розилик хати берилмаслиги аниқ ифодаланмаганлиги туфайли ҳам бизда Қўмитада маълум бир ҳудудда икки ёки ундан ортиқ диний ташкилот фаолият юритиши юқорида таъкидланган Низомнинг 1-бандида келтириб ўтилган мақсадлардан қай бирини таъминлашга қаратилганлигини аниқлашга доир бир қатор саволларни юзага чиқаради.

Ушбу вазиятдан келиб чиққан ҳолда ЖКнинг 145-моддаси биринчи қисмида таъкидланган нормага қуйидагича: “, **диний ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказиш учун лозим бўлган маълумот ёхуд розилик хатини асоссиз равишда тақдим этмаслик ёхуд ўз вақтида тақдим этмаслик**”, - қўшимча нормани қўшиш орқали шахсларнинг Конституцияда белгилаб берилган жамоавий ибодат қилиш ҳуқуқини амалда рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилган шахсларнинг ҳаракатсизлигини криминализация қилинишига ва бу билан фуқароларнинг ҳуқуқлари асоссиз равишда бузилишини олдини олишга эришган бўламиз.

Янги Зеландияда диний ташкилот фаолият юритиш учун рўйхатдан ўтказиш мажбурияти мавжуд эмас, агарда диний ташкилот хайрия ишлари учун, ўз фаолиятини ривожлантириш учун, солиқлар тўлаш учун пул маблағлари йиғса, Ички ишлар департаментидан **ишончлилиқни ошириш мақсадида** рўйхатдан ўтказилади ҳамда бунинг учун **давлат органларига маблағ ундирилмайди**. Умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига кўра, виждон эркинлиги давлат томонидан тўғридан-тўғри тан олинадиган ҳуқуқ ҳисобланади, яъни фуқаролар ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш учун давлатдан рухсат олиши шарт эмас. Диний ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият юритиши фуқароларнинг ушбу ҳуқуқларини рўёбга чиқарилиши деб ҳисоблаш мумкин. Дунё юқорида таъкидлангани каби ривожланган амалиётга эга бўлатуриб, мамлакатимизда айрим давлат органларининг масъулиятсизлиги, бу каби давлат органларида фаолият юритадиган ходимларнинг ўз вазифаларига лоқайдлик билан қараши туфайли фуқароларимиз ўзининг ҳуқуқларини амалга ошира олмасдан қолаётганлиги

мамлакатнинг халқаро мақоми, инвестицион жозибадорлигига таъсир этмасдан қолмайди.

Юқорида таъкидлаб ўтилган ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда қонунчилик тизимимизга тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни қўшиш орқали ҳозирда вужудга келаётган муаммоли вазиятларни бартараф этиш, янгилари вужудга келишини олдини олиш, фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда янада илдамроқ одимлар ташлаш имкониятига эга бўлишимиз мумкин.

ХУЛОСА.

Юқорида таҳлил этилган масалалардан келиб чиқиб, уларнинг ҳар бирига асосланган ҳолда ўз олдимизга қўйган масалалар юзасидан хулоса сифатида шуни таъкидлашимиз мумкинки, виждон эркинлиги ҳуқуқи маълум бир даражага етгач тўхтайдиган, ўзгармайдиган соҳа эмас, ушбу ҳуқуқлар жамланмаси жамият ривожига мос равишда ўзгариб бориши ва бу ўзгаришлар қонун ҳужжатларида акс этиши лозим. Амалдаги қонун нормаларига тегишли ўзгартиришларни киритиш лозим бўлади.

Буни ЖКдан бошлаш – дастлаб бош мақсадни амалга ошириш орқали ёрдамчи мақсадларни кейинга қолдириш – мақсадга мувофиқ бўлади.

Жумладан, ЖКнинг 145-моддасини қуйидаги таҳрирда баён этиш лозим.

145-модда. Виждон эркинлигини бузиш

Диний ташкилотнинг қонуний фаолиятига ёки диний маросимларни ўтказишга тўсқинлик қилиш, **диний ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказиш учун лозим бўлган маълумот ёхуд розилик хатини асоссиз равишда тақдим этмаслик ёхуд ўз вақтида тақдим этмаслик, диний қарашларни эркин ифода этишга қаршилик қилиш** —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ёхуд уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) давлат ва бошқарув органлари, нодавлат ноижорат ташкилотларининг мансабдор шахслари томонидан;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда содир этилса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ёхуд уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, уч йилгача озодликдан чеклаш, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

145¹-модда. Вояга етмаган болаларни диний ташкилотга жалб қилиш ва ноқонуний тарзда динга ўқитиш

Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, худди шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитиш —

Энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) давлат ва бошқарув органлари, нодавлат ноижорат ташкилотларининг мансабдор шахслари томонидан;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда содир этилса, —

Энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатдан тўрт юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

145²-модда. Ноқонуний диний фаолият юритиш

Фуқароларнинг ўз фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишларига ёки фуқаролик бурчларини бажаришларига тўсқинлик қилиш билан, диндорлардан мажбурий йиғим ундириш ва солиқ олиш билан ёхуд шахснинг шаъни ва обрўсини камситувчи чора-тадбирлар қўллаш билан ёки диний таълим олишда ҳамда фуқаро динга нисбатан, динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмасликка нисбатан, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка нисбатан ўз муносабатини

белгилаётган пайтда мажбурлаш билан боғлиқ диний фаолият юритиш, шунингдек диний маросимлар ўтказишни ташкил этиш шахс баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, —

энг кам иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) давлат ва бошқарув органлари, нодавлат ноижорат ташкилотларининг мансабдор шахслари томонидан;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда содир этилса, —

энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки тўрт юз соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ЖКнинг 145-моддасини юқорида таъкидланган шаклда баён этиш орқали диний қарашларни эркин ифода этишга қаршилик қилиш ҳамда диний ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказиш учун лозим бўлган маълумот ёхуд розилик хатини асоссиз равишда тақдим этмаслик ёхуд ўз вақтида тақдим этмаслик каби қўшимча ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланиши билан бирга ушбу қилмишлар давлат ва бошқарув органлари, нодавлат ноижорат ташкилотларининг мансабдор шахслари томонидан, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда содир этилиши каби қўшимча ҳолатлар иккинчи қисм сифатида киритилиши ЖКнинг бир неча моддалари билан қўшимча тарзда квалификация қилишдан кўра бир модданинг оғирлаштирувчи қисми сифатида киритиш таклиф этилиши билан алоҳидалик касб этган.

Шунингдек, ЖКнинг 17-модданинг 4-қисмини қуйидагича: “Ушбу Кодекснинг 122, 123, 125¹, 127, 127¹, 144, **145-145²**, 146, 193 — 195, 205 — 210, 225, 226, 230 — 232, 234, 235, 279 — 302-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун жиноят содир этгунга қадар ўн саккиз ёшга тўлган шахслар жавобгарликка тортиладилар”, - тахрирда баён этилиши орқали виждон эркинлиги жиноятини бузишга қаратилган ижтимоий хавфли қилмиш учун жавобгарлик ёши 18 ёш этиб белгиланади.

МЖтКнинг 184¹-моддасидаги қуйидагича: “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг (диний ташкилотларнинг хизматидагилар бундан мустасно) жамоат жойларида ибодат либосларида юришлари маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати ҳисобланиб, ҳуқуқбузарлик содир этилган шахсни энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олиш”¹⁰⁰, - нормани Кодексдан чиқариб ташлаш қуйида таъкидланган норма билан биргаликда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Юқоридаги жавобгарлик учун асос бўлган, 01.05.1998 йилда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддасидаги қуйидагича: “**Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг (диний ташкилотларнинг хизматидагилар бундан мустасно) жамоат жойларида ибодат либосларида юришларига йўл қўйилмайди**”¹⁰¹, - нормани чиқариб ташлаш орқали фуқароларнинг айрим ҳуқуқлари тикланишига ҳамда асоссиз равишда маъмурий жавобгарликка тортилишдан халос бўлишларига эришиш мумкин бўлади.

Ушбу қонун ҳужжати билан тартибга солиниши лозим бўлган масалалардан яна бири бу диний ташкилотларнинг фаолиятини тўхтатиб туриш бўлиши лозим бўлса-да, Қонунда бу нормалар ўз аксини топмаганлиги

¹⁰⁰ Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси 184¹-моддаси <https://lex.uz/docs/97664>

¹⁰¹ Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддаси / манба: (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 99-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 513-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон)

туфайли куйидагича: “**Диний ташкилотнинг фаолияти у ўз фаолиятини тўхтатиб турганда ёки мазкур Қонуннинг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси бошқа қонун ҳужжатларининг қоидалари бузилгандан сўнг рўйхатдан ўтказган орган томонидан киритилган тақдимномага бир ойда жавоб бермаган ёки қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этмаган ҳолатларда рўйхатдан ўтказган орган томонидан ҳолат бартараф этилгунга қадар тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилинади, ушбу қарор диний ташкилот ҳамда фуқаролар учун мажбурийдир. Мазкур қарор устидан умумий тартибда судга ёки ҳудудий прокурорга мурожаат қилиниши мумкин**”, - шаклдаги 13¹-модда билан тўлдиришни ва муаммони ҳал этишни тақлиф этамиз.

Шунингдек, Юқорида таъкидланган Қонуннинг 13-моддасини куйидагича: “**Диний ташкилотнинг фаолияти у ўзини ўзи тарқатиб юборганда ёки ушбу Қонуннинг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси бошқа қонун ҳужжатларининг қоидалари бузилган тақдирда ҳамда тўхтатиб туриш тартибига амал қилинмаган ёки тўхтатиб туриш муддатида қонунбузилиш ҳолатлари бартараф этилмаганда диний ташкилот жойлашган ҳудуддаги Фуқаролик ишлари бўйича туман (туманлараро) судлар томонидан давлат рўйхатига олган органнинг аризасига кўра тугатилиши мумкин**”, - тахрирда баён этиш лозим бўлади. Натижада эса қонуний фаолият юритаётган диний ташкилотнинг фаолияти асоссиз тарзда ижро органи томонидан тугатилиши каби ҳолатларга барҳам берилишига, қонунбузилиш ҳолати юзасидан томонларнинг важлари холис суд томонидан кўриб чиқилишига эришиш ва давлат манфаатларини акс этишга мажбур бўлган томон томонидан қарор қабул қилиш амалиётига чек қўйилишига эришиш мумкин бўлади. Шунингдек, 2018 йил 31 майда қабул қилинган 409-сонли Ҳукумат қарори билан тасдиқланган Низом нормаларини ҳам юқоридаги тартибга мослаштириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта

рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 409-сонли 2018 йил 31 майда қабул қилинган Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 14-бандига қуйидагича: **“Юқорида таъкидланган ҳолатлардан бошқа ҳолатларда диний ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилишига йўл қўйилмайди”**, - шаклдаги норма қўшилиши орқали ортиқча ҳужжат талаба қилиш, шунингдек, асоссиз равишда давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш каби ҳолатларга барҳам берилиши мумкин.

Юқорида келтирилган нормалардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2018 йилнинг 26 сентябрида қабул қилинган 1-сонли “Диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун розилик бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори (ҳужжат Адлия вазирлиги томонидан 3071-сонли рақам билан 2018 йилнинг 27 сентябрида рўйхатга олинган) билан тасдиқланган Низомнинг 5-бандига келтирилган қуйидагича: ***диний ташкилот атрофидаги яқин диний ташкилотлар билан оралиқ масофа ҳақида аниқ маълумот*** ҳам талаб этилган бўлиб, ушбу банднинг чиқариб ташлаш орқали лозим бўлмаган, фуқароларга ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этишга қаратилган қарор қабул қилинган бўлар эди.

Қонун ҳужжатларига юқорида таъкидланган ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш орқали фуқароларнинг виждон эркинлигига оид ҳуқуқларини амалда рўёбга чиқаришга томон илдам қадам қўйилишига эришиш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. РАҲБАРИЙ АДАБИЁТЛАР:

1. Ш.М.Мирзиёев “Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси” 25.01.2020.

манба: <https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

II. НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 15, 31, 118-моддалари // электрон манба: <http://lex.uz/docs/20596>;
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 17, 58, 145, 229¹-моддалари // электрон манба: <https://lex.uz/docs/111453>;
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 345-модда 2-қисм // электрон манба: <https://lex.uz/docs/111460>;
4. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси 184¹-моддаси // электрон манба: <https://lex.uz/docs/97664>;
5. Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунининг 3, 8, 14-моддаси // манба: (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 99-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 513-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон) ;
6. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 14.06.1991 йилда қабул қилинган 289-ХII-сонли Қонунининг 4-моддаси (ўз кучини йўқотган) // манба: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 8-сон, 186-модда; 11-сон, 273-модда; 1993 й., 9-сон, 334-модда;
7. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни // электрон манба: <https://lex.uz/docs/106197>;
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 409-сонли 2018 йил 31 майда қабул қилинган Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисида”ги Низоми // манба: Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.06.2018 й., 09/18/409/1296-сон;
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 26.09.2018 йилда қабул қилинган 1-сонли “Диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун розилик бериш

тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори (ҳужжат Адлия вазирлиги томонидан 3071-сонли рақам билан 27.09.2018 йилда рўйхатга олинган) билан тасдиқланган “Диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун розилик бериш тартиби тўғрисида”ги Низоми // манба: Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.09.2018 й., 10/18/3071/1970-сон.

III. ДИНИЙ АДАБИЁТЛАР:

1. Қуръони Карим. Алавуддин Мансур таржимаси. –Т.: Чўлпон. 1992. 32-бет;
2. Қурбоний Зайнин Обидин «Ислом ва инсон ҳуқуқлари» (форча). – Техрон: 1367 (1989 йил). 260-бет;
3. Муҳаммад Амин “Исломга бағишланган умр” Ҳилол нашр матбааси. Тошкент. www.e-hilolnashr.uz;
4. З.Хусниддинов “Ислом Энциклопедияси” Ўзбекистон миллий энциклопедияси 2004 йил 102-бет.

IV. ХАЛҚАРО ВА ХОРИЖИЙ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ:

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси // электрон манба: <http://constitution.uz/uz/pages/humanrights>;
2. “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция. 14-модда. 20.11.1989 йилда қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги 757-ХП-сонли «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилиш ҳақида»ги Қарорига мувофиқ қўшилган // электрон манба: <https://lex.uz/docs/2595913>;
3. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакти // электрон манба: <https://kasaba.uz/wp-content/uploads/2015/06/%D0%9F%D0%B0%D0%BA%D1%82-1.pdf>;
4. European Convention on Human Right (Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Конвенциясининг) // электрон манба: https://www.echr.coe.int/Documents/Convention_ENG.pdf;
5. Constitution of the People’s Republic of China (Хитой Халқ Республикаси Конституцияси) // электрон манба: <http://www.china.org.cn/english/features/89012.htm>;
6. Constitution of Islamic Republic of Pakistan, 1973 (with amended 2002 year) (Покистон Ислом Республикаси Конституциясининг) “The Religion-

- state Relationship and the Right to Freedom of Religion or Belief: A Comparative Textual Analysis of the Constitutions of Predominantly Muslim Countries” written by Tad Stahnke and Robert C. Blitt. March 2005. United States Commission on International Religious Freedom. // электрон манба: www.uscirf.gov;
7. The German Constitution (Basic Law) article 4, 7, 140. (Германия Конституциясининг 4,7,140-моддалри) “Religious practice and observance in EU Member states” page 102-103 Alejandro Saiz Arnaiz and other. // электрон манба: <http://www.europarl.europa.eu/studies> шунигиндек, куйидаги манбадан фойдаланилган: <https://www.btg-bestellservice.de/pdf/80201000.pdf>;
 8. The Basic Law of Austria 1867 (Австрия Асосий Қонуни 1867) // электрон манба: http://constitutionnet.org/sites/default/files/Austria%20_FULL_%20Constitution.pdf;
 9. The Italy Constitution (Италия Конституцияси) “Religious practice and observance in EU Member states” page 104 Alejandro Saiz Arnaiz and other. // электрон манба: <http://www.europarl.europa.eu/studies> other, шунигиндек, куйидаги манбадан фойдаланилган: <https://www.wipo.int/edocs/lexdocs/laws/en/it/it037en.pdf>;
 10. The Constitution of Finland. 11.06.1999. № 731/1999. (Финландия Конституциясининг) // электрон манба: https://www.constituteproject.org/constitution/Finland_2011.pdf?lang=en;
 11. Religious Freedom Act 2003 Finland 06.06.2003 year adopted № 453. (Финландиянинг Диний эркинлик тўғрисидаги 2003 йилги Қонуни) // электрон манба: [http://www.ilo.org/dyn/natlex/docs/ELECTRONIC/64997/97064/F1050134454/FIN64997%20English%20\(extracts\).pdf](http://www.ilo.org/dyn/natlex/docs/ELECTRONIC/64997/97064/F1050134454/FIN64997%20English%20(extracts).pdf);
 12. Myanmar The Penal Code. Chapter XV (Мянма Жиноят Кодекси) // электрон манба: https://www.burmalibrary.org/docs6/MYANMAR_PENAL_CODE-corr.1.pdf;
 13. Pakistan Penal Code (XLV of 1860) 6th October, 1860. Chapter XV – Покистон жазо кодекси 06.10.1860 йилда қабул қилинган бўлиб, тадқиқотимизда ушбу кодекснинг XV бобида акс этирилган нормаларидан фойдаланилди // электрон манба: <https://www.oecd.org/site/adboecdanti-corruptioninitiative/46816797.pdf>;

14. The Anti-Islamic Activities of Qadiani Group, Lohari Group and Ahmadis (Prohibition and Punishment) Ordinance. XX of 1984 // электрон манба: <https://www.oecd.org/site/adboecdanti-corruptioninitiative/46816797.pdf>;
15. Criminal Code (federal) of Canada. Chapter C-46. Include 2019 Chap. 25 amendments. Published by Quickscribe Services Ltd. (Канада Федерал Жиноят Кодекси) // электрон манба: <https://laws-lois.justice.gc.ca/eng/acts/c-46/?wbdisable=true>;
16. Criminal code act 1899 Queensland . Current as at 26 February 2020. (Куэнсланд жиноят кодекси) // электрон манба: <https://www.legislation.qld.gov.au/view/pdf/inforce/current/act-1899-009>;
17. Criminal Law of the People’s Republic of China. This law adopted at the second session of the Fifth National People’s Congress on July 1, 1979. (XXP Жиноят қонунининг) // электрон манба: <https://www.ilo.org/dyn/natlex/docs/ELECTRONIC/5375/108071/F-78796243/CHN5375%2520Eng3.pdf>;
18. The German Criminal Code / Chapter eleven / (Германия Жиноят Кодекси) // электрон манба: https://www.legislationline.org/download/id/6115/file/Germany_CC_am2013_en.pdf;
19. Criminal Code of Finland. 39|1889 and amendments up to 766|2015 included – Финландия Жиноят кодекси 1889 йилда 39-сон билан қабул қилинган ҳамда 2015 йилдаги 766-сонли қонун билан ўзгартириш киритилган вариантдан фойдаланилди // электрон манба: https://www.legislationline.org/download/id/6375/file/Finland_CC_1889_am2015_en.pdf;
20. Crime act 1961 New Zealand. 01.11.1961 / No 43 / 24.03.2020 reprinted. (Янги Зеландиянинг 1961-йилдаги Жиноят қонуни) // электрон манба: <http://www.legislation.govt.nz/act/public/1961/0043/latest/DLM327382.html>;

V. ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАР:

1. А.Рахмонов “Ўзбекистонда демократик, ҳуқуқий давлат тузумини вужудга келтириш жараёнида гражданлар виждон эркинлигининг таъминланиши” мавзусидаги ф.ф.н илмий даражасини олиш учун диссертация – Тошкент: 1996 йил. 301 бет;
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. Махсус қисм. Рустамбоев М.Х. «Адолат» Тошкент 2016. 960 бет;

3. Кринченко М.Г. Свобода совести в СССР. –М.: Юрид.лит. 1985. 11-12-бетлар;
4. Куроедов М.А. Религия и церковь в советском обществе. –М.: Политиздат. 1981. 7-бет;
5. Абдулҳодиков С. “Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқининг методологик муаммолари” Фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. –Т.: 2002. 241-бет;
6. Уватов У. Свобода совести – душа свободы и демократии. // Деловая жизнь. Экономика-политика-человек. № 13,-М.: 1992. 45 с;
7. Daniel H. Shubin “A history of Russian Christianity” volume IV The Orthodox Church 1894 to 1990 Tsar Nicholas II ro Garbachev’s edict on the Freedom of Conscience. New York. 2006. Page 9;
8. Ключков В.В. “Закон и религия”. –М.: Юрид. Лит. 1982. 10-бет;
9. Christopher S. Mott “Understanding Uzbekistan: Your guide to Effectiveness in Uzbekistan 44 (ABA, Ltd. Spring 1994) // электрон манба: https://www.lancaster.ac.uk/jais/volume/docs/vol2/2_110-150_SIMPSON3.pdf.

VI. БОШҚА АДАБИЁТЛАР:

1. Raihon Hudayberganova v. Uzbekistan. Human Right Committee. 82nd Session 11 October-5 November Communication no. 931/2000 05.11.2004 // электрон манба: http://www.worldcourts.com/hrc/eng/decisions/2004.11.05_Hudayberganova_v_Uzbekistan.htm;
2. International Religious Freedom Report for 2011 Finland // электрон манба: <https://2009-2017.state.gov/documents/organization/193018.pdf>;
3. Research division Overview of the Court’s case-law on freedom of religion. Page 17. European Court of Human Rights. 19.01.2011 and updated 31.10.2013. // электрон манба: https://www.echr.coe.int/Documents/Research_report_religion_ENG.pdf;
4. “New Zealand 2018 international religious freedom report” // электрон манба: <https://www.state.gov/wp-content/uploads/2019/05/NEW-ZEALAND-2018-INTERNATIONAL-RELIGIOUS-FREEDOM-REPORT.pdf>;
5. “What faith can do for Global Systemic Challenges” Chris Seiple. The Role of Faith in the Systemic Global Challenges. June 2016. World Economic Forum. // электрон манба:

- http://www3.weforum.org/docs/WEF_GAC16_Role_of_Faith_in_Systemic_Global_Challenges.pdf;
6. Ўзбекистондаги масжидлар сони яна биттага кўпайди. // электрон манба: <https://kun.uz/news/2017/11/23/uzbekistondagi-masjidlar-soni-ana-bittaga-kupajdi>;
 7. 2019 йилда Ўзбекистонда нечта масжид очилди. // электрон манба: <http://muslim.uz/index.php/yangiliklar-2016/uzbekistan/item/18250>;
 8. Ўзбекистон аёллари ва эркаклари статистик тўплами 2007 йил Тошкент. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. // электрон манба: https://www.undp.org/content/dam/uzbekistan/docs/Publications/democratic_governance/Statistical_Bulletin_Women_and_Men_of_Uzbekistan/un_uzb_women_and_men_in_uzbekistan_uzb.pdf;
 9. 2019 йилнинг апрель санасига аҳоли сони. // электрон манба: <https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-gks/5645-22042019>;
 10. Конституция СССР 1977 г. // электрон манба: <http://www.hist.msu.ru/ER/Text/cnst1977.htm>.
 11. Mosques in Germany: Statistics hard to come by // электрон манба: <https://www.dw.com/en/mosques-in-germany-statistics-hard-to-come-by/a-45806004>.